



## Кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантириш муҳимлиги қайд этилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 22 ноябрь куни Бирлашган Араб Амирликлари Ҳукумат ишлари бўйича вазири Муҳаммад бин Абдуллоҳ ал-Гаргавий бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Вазир ал-Гаргавий давлатимиз раҳбарига Амирликлар Президенти Шайх Муҳаммад Ол Нахаён ва мамлакат вице-президенти, Бош вазири,

Дубай Амири Шайх Муҳаммад Ол Мактум ҳамда вице-президент Шайх Мансур Ол Нахаённинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Сухбатда икки томонлама муносабатлар кун тартибидеги долзарб масалалар кўриб чиқилди. Ўзбекистон билан БАА ўртасидаги

кўп қиррали алоқалар юқори суръатда ривожланаётгани мамнуният билан қайд этилди. Товар айирбошлаш ҳамжи, қўшма корхона ва лойиҳалар сони барқарор ошиб бормоқда.

Қабул қилинган “Йўл харитаси” доирасида, шу жумладан, давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш, бошқарув кадрларини тайёрлаш ва рақамли ҳукуматни ривожлантириш бўйича қўшма дастурлар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Қарийб мингта семинар, форум ва ўқув курслари ўтказилиб, уларда 2 миллион нафаргача мутахассисимиз малака оширди.

Учрашувда самарали бошқарув, савдо салоҳиятини ривожлантириш, шаҳарлар инфратузилмасини модернизация қилиш, юксак технологиялар, сунъий интеллект ва бошқа йўналишларда амалий ҳамкорликни янада кенгайтиришдан икки томон ҳам манфаатдор экани тасдиқланди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН ОЗАРБАЙЖОНДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига биноан 23-24 ноябрь кунлари амалий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.

Давлатимиз раҳбари Боку шаҳрида БМТнинг Марказий Осиё иқтисодий-лашуви учун махсус дастури (СПЕКА) биринчи саммитида иштирок этади.

Тадбир кун тартибидан дастур доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш, минтақавий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун Мақсадли фонд ташкил этиш, транспорт йўлақларини рақамлаштириш учун “Йўл харитаси”ни қабул қилиш, ишбилармонлик ташаббусларини илгари суриш ва бошқа масалалар ўрин олган.

СПЕКА дастури минтақа мамлакатларининг иқтисодий ҳамкорлигини

ривожлантириш ҳамда уларнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувига қўмаклашиш мақсадида 1998 йил 26 март куни Тошкент декларациясига мувофиқ таъсис этилган. Иштирокчи давлатлар — Ўзбекистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон.

Шу кунларда Боку шаҳрида СПЕКАнинг қатор ишбилармонлик тадбирлари, шу жумладан, иқтисодий форум ва Марказий Осиё мамлакатларининг sanoat салоҳияти кўргазмаси ўтмоқда.

ЎЗА

## МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ — МАРКАЗИЙ ОСИЁ ИҚТИСОДИЙ ФАРОВОНЛИГИНИНГ ГАРОВИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 23-24 ноябрь кунлари амалий ташриф билан Озарбайжонда бўлади ва БМТнинг Марказий Осиё иқтисодиёти учун махсус дастури (СПЕКА) биринчи саммитида иштирок этади

БМТнинг Марказий Осиё иқтисодиёти учун махсус дастури (СПЕКА) 1998 йил 26 мартда таъсис этилган.

СПЕКАнинг асосий вазифаси минтақадаги иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга қўмаклашиш, иштирокчи мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви ва БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун трансгеаравий ҳамкорлик платформасини тақдим этишидир.

Бошқарув кенгаши СПЕКА қарорларини қабул қиладиган олий раҳбарлик органи ҳисобланади. У вазирлар ёки вазир ўринбосарлари даражасидаги миллий координаторлар ҳамда БМТ Европа иқтисодий комиссияси ҳамда Осиё ва Тинч океани учун иқтисодий ва ижтимоий комиссиянинг ижрочи котибларидан иборат.

СПЕКАга аъзо мамлакатлардан бири Бошқарув кенгаши раиси ҳисобланади. Раислик қилаётган мамлакат одатда бир йил муддатга сайланади. Қарорлар консенсус асосида қабул қилинади.

Ҳозирги пайтда Озарбайжон СПЕКАга раислик қилмоқда. СПЕКА иқтисодий форуми ҳар йили ташкил этилади, унда минтақадаги иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорликнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишга қўмаклашадиган алоҳида стратегия масалаларга асосий эътибор қаратилади. Форум барча манфаатдор томонлар ўртасида юқори даражадаги сиёсий мулоқот учун платформа бўлиб хизмат қилади ва СПЕКА Бошқарув кенгаши учун аниқ тавсияларни ишлаб чиқади.

Давоми 2-бетда



2021 йил 17-19 ноябрь кунлари Тошкентда Бошқарув кенгашининг 16-йўлчишигириб форматда бўлиб ўтди. Унинг яқунлари бўйича СПЕКА масалаларининг кенг доирасини қамраб олган ўндан ортқ қарор қабул қилинди.

Шу даврда СПЕКАнинг “Пандемиядан кейин “яшил” ва инклюзив иқтисодиётни ривожлантириш учун барқарор транспорт ва савдо” мавзусига бағишланган иқтисодий форуми ҳам бўлиб ўтди.

Форум яқунлари бўйича пандемиядан кейинги экологик, кўп қиррали ва инклюзив иқтисодиётни тиклаш учун транспорт, савдо ва алоқа барқарорлигини мустаҳкамлаш бўйича Тошкент баёноти қабул қилинди. СПЕКА субминтақасининг иқтисодий ўзаро боғлиқлигини ошириш, уни барқарор транспорт тизими маркази сифатида ташкил этиш учун шароит яратиш, минтақа ичидаги савдо тартиб-қондаларини янада соддалаштириш ва БРМГА эришишни жадаллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

## ЭНЕРГЕТИКА ТИЗИМИНИНГ ҚИШГА ТАЙЁРГАРЛИК ҲОЛАТИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 22 ноябрь куни “Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамиятида бўлиб, энергетика тизимининг қиш мавсумига тайёргарлиги билан аяқиндан танишди.

Йил бошида келган аномал совуқдан хулоса қилиб, тизим салоҳияти оширилди. Аввало, ички имкониятлар тўла ишга солиниб, тармоқлар модернизация қилинди. Қолаверса, хорижий шериклар билан ҳамкорликда иш олиб берилди. Муассаса, корхона ва турар жойлардаги долзарб масалалар ўрганилиб, бартараф этилди. Бу ишлар ҳар бир маҳаллагача етиб борди.

— Бу йил энергетика тизимини яхшилашга барча манбалардан 14,5 триллион сўм ажратдик. Қандай хомашё, буюм, техника керак бўлса, олиб берилди. Энди соҳа раҳбарлари масъулиятни тўлиқ зиммасига олиб, аниқ режа қилиши ва энергия етказиб беришни кафолатли таъминлаши зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Жорий йилнинг ўтган даврида 675 мегаваттлик электр қувватлари ишга тушди. Республика бўйича 100 та подстанция, 11,5 мингта трансформатор ва 34 минг километр тармоқлар янгиланди.

Аҳоли ва корхоналарни табиий газ билан барқарор таъминлаш мақсадида қўшимча 5 миллиард куб метр кафолатли газ манбалари ҳал қилинди. Ерости омборларида етарлича газ захираси жамланди.

Президентимиз совуқ кунларда энергия ресурсларига бўлган талабни

ЎЗА

## НУҚТАИ НАЗАР

### ҲАР ҚАРИЧ ЕРНИНГ ЎЗ ЭГАСИ АНИҚ ҲИСОБИ БЎЛАДИ

Юртимизда ер майдонларидан узоқ йиллар давомида ўзбошимчилик билан фойдаланилиб, аксариятнинг эгаси ҳам номаълум бўлган. Бу мавжуд ерлардан фойдаланишда кўплаб муаммоларни юзага келтирди. Вақт ўтиб, ер ҳисобини юритиш, кадастр хизматлари сифатини яхшилаш муҳим вазифалардан бирига айланди.

Айниқса, соҳани рақамлаштириш иш кўлами ва сифатини оширмоқда. Охириги уч йилда рақамлаштириш ҳисобига 40 миллион гектар ёки жами ерларнинг 90 фоизи кадастрда давлат рўйхатидан ўтказилди. Аммо бу тизимда барча муаммолар ҳал этилди.

Давоми 2-бетда

кафолатли таъминлаш бўйича мутахассисларнинг ҳисоботини эшитди.

Энергетика вазири ажратилган маблаг эвазига жорий йилда қилинган ишлар ва яратилган захира, кунлик истеъмол ва уни таъминлаш мўлжаллари тўғрисида ахборот берди.

Қайд этилганидек, энергетика тизими 1 декабрдан 24 соатлик иш тартибига ўтади. Яқин ойларда 1 минг 700 мегаваттлик 8 та қуёш ва шамол электр станцияси, Сирдарёда 500 мегаваттлик газ турбинаси ишга туширилади. Сурхондарёдаги Шарғун қониди 900 минг тонна кўмир қазиб чиқариш бошланади.

Шунингдек, суюлтирилган газ, мазут, трансформатор, кабель ва бошқа зарур воситаларнинг захираси тайёрлаб қўйилган.

Давлатимиз раҳбари энергия манбаларини барқарор етказиб бериш, шу билан бирга, тўлов интизомини таъминлаш муҳимлигини таъкидлади. Ноқонуний уранишларга чек қўйиш, об-ҳавога қараб, илиқ кунларда энергия ресурсларини иқтисод қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Тадбирда “Узтрансгаз”, “Худудгазтаъминот”, “Худудий электр тармоқлари”, “Иссиқлик электр тармоқлари” акциядорлик жамиятлари раҳбарлари ҳам ахборот берди.

## ОГОҲЛИККА ДАЪВАТ

Жаҳондаги нотинчлик, киши дилини хуфтон қиладиган турли воқеа ва ҳодисалардан бугун ғафлатда қолишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Мамлакатларни, жамиятни, оилаларни, инсонни ҳалокат ва фалокатга учратадиган энг ёмон мусибатлар бепарволик, ғафлат, лоқайдлик иллатларидир.

## ТИНЧЛИК — ЦИВИЛИЗАЦИЯ НЕЪМАТИ УРУШ ЭСА УНИНГ ОФАТИДИР

Шу боис, тез ўзгариб бораётган бугунги шиддатли замонда — ахборот асрида бефарқ ва бепарво бўлмасдан, аксинча, ён-атрофимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳисси билан яшаш, жаҳоннинг турли ҳудудларида қайта бош кўтараётган хаёфли балю офатларга нисбатан ҳар биримиз огоҳ ва сергак бўлишимиз шарт. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, дунёдаги ҳозирги мураккаб вазият, қўшни минтақалардаги зиддият ва қуроли низолар Ўзбекистон хавфсизлиги ва тинчлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратишни тақозо этмоқда. Мутафаккирлар инсоният ўтмишга қараб туриб келажак сари қадам ташлайди, деган ҳикматни

Давоми 3-бетда

## ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

### ЛОЙИҲАЛАР ФАБРИКАСИ ТАДБИРКОР ЁШЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТЕЗДА ЙЎЛГА ҚЎЙИБ, ЭКСПОРТНИ РАҒБАТЛАНТИРИШГА ИМКОН ЯРАТАДИ

Кўплаб ҳудудларда ёшлар sanoat ва тадбиркорлик зоналари ташкил этилиши мазкур қатламнинг тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантириш, бандлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Термиз шаҳридаги “Тинчлик” ёшлар sanoat ва тадбиркорлик зонаси ҳам ёшлар ташаббусларини рўёбга чиқариш, инвестиция оқимини таъминлаш, янги қувватларни ишга туширишга имконият яратаётган масканлардан биридир.

— 2 гектар майдонни эгаллаган “Тинчлик” ёшлар sanoat ва тадбиркорлик зонасида бугунги кунда 42 лойиҳа жойлаштирилган, — дейди Сурхондарё вилояти Кичик ва ёшлар sanoat зоналарини бошқариш дирекцияси директори Бахтиёр Ортиқов. — Лойиҳалар

Давоми 5-бетда

бот-бот такрорлайди. Илпо, бани башар учун мазийнинг, тарихнинг сабоқлари, хулосалари муҳимдир. Дунё қирқ йил ичида иккита жаҳон урушини бошдан ўтказди. Иккинчисида эллик миллион одамнинг умри ҳазон бўлди. Уруш келтирган жафолар, азоб-уқубатлар, айриликлар, хасталиклар, жароҳатлар, ҳижронлар, хорлик ва зорликлар, йўқчиликлар туфайли вақтидан бурун дорулфандондан дорулбақога риҳлат этган жонлар миқдорини ким ҳисоблаб чиқди экан? Умуман, кулфатни, бахтсизлиқни рақамларда ифода-лаб бўладими? Яқинларинг кўнглидаги ваҳимани, кўрқувини-чи?

## “ЯШИЛ МАКОН” УМУММИЛЛИЙ ЛОЙИҲАСИ

### ИЛМИЙ АСОСЛАНГАН СУҒОРИШ ТИЗИМИ

Бугун экилаётган кўчатлар азим дарахтларга айланиши учун керак

Глобал иқлим ўзгаришлари шароитида бугунги кунга келиб, атроф-муҳит ва ҳавонинг ифлосланиб бораётгани бутун дунё ҳамжамиятини ташвишлантирмоқда. Шу билан бирга, табиатдаги бундай салбий ўзгаришлар инсон саломатлиги, яшаш шароити, экотизим бузилиши ва чўлғаниш даражаси ошишига олиб келмоқда. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: бунинг олдини олиш мумкинми? Инқирозни фақат ва фақат дарахт экиб, бог-роғлар барпо этиб, табиат мусаффолигини асраш орқалигина бартараф этиш мумкин. Айнан шунинг учун ҳам Президентимиз ташаббуси билан “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси амалга ошириляпти. Лойиҳа доирасида 2030 йилга бориб, юртимиздаги ўрмонзор ва бутазорлар майдони 6,1 миллион гектарга етказилади.

Давоми 4-бетда



# МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ – МАРКАЗИЙ ОСИЁ ИҚТИСОДИЙ ФАРОВОНЛИГИНИНГ ГАРОВИ

Бошланиши 1-бетда

2022 йил 26-27 октябрь кунлари Тошкентда СПЕКАнинг транспорт ва логистика алоқасини ривожлантириш бўйича ишчи гуруҳи 27-ингилиши бўлиб ўтди. Иштирокчилар СПЕКАга аъзо давлатларнинг ташқи савдо, транспорт ва транзит соҳасидаги халқаро конвенция ва битимларга қўшилиши масаласини муҳокама қилди. Учрашув якуни бўйича Марказий Осийё ва Жанубий Кавказ минтақасида мавжуд ва янги транспорт йўлакларини ривожлантириш, шунингдек, Тошкент шаҳрида Транспорт ва коммуникацияларни ривожлантириш минтақавий марказини ташкил этиш бўйича келишувга эришилди.

Хозирги вақтда дастурда иштирок этувчи давлатлар СПЕКА котибиятини, шунингдек, БМТнинг Кўпшириклик траст фондида СПЕКА жамғармасини яратиш бўйича ишларни давом эттирмоқда.

СПЕКА вазирларининг 2023 йил апрель ойида Женевада бўлиб ўтган учрашувида қўшма баёнот қабул қилинди, унга биноан мақсадли жамғармани ташкил этиш тўғрисида келишувга эришилди.

Минтақа давлатлари ўртасидаги мустақам алоқалар, иштирокчи мамлакатлар халқлари аънаналари, урф-одат ва маданий қадриятлари яқинлиги Ўзбекистоннинг сунги йиллардаги фаол ташқи иқтисодий сиёсати билан биргаликда савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш нуктаи назаридан салмоқли натижалар берди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон ва СПЕКА аъзолари ўртасидаги товар айир-бошлаш ҳажми икки баробар ошди, 9,2 миллиард долларга етди. Ўзбекистонда минтақа ҳудудида фаолият юритаётган компаниялар билан ҳамкорликда ташкил этилган корхоналар сони 2017 йилдан буён беш баробар кўпайган ҳолда 2212 тага етди.

Минтақа мамлакатларининг савдо-иқтисодий, салмоқли табиий ва инсон ресурслари, қулай географик

жойлашуви ҳисобга олинган ҳолда ушбу салоҳиятни рўёбга чиқаришнинг устувор йўналишлари белгилаб олинди. Булар рақобатдош устунликлардан фойдаланган ҳолда ўзаро савдонини мустаҳкамлаш ва кўпайтириш учун қулай шарт-шароит яратиш, мавжуд савдо тўсиқларини бартараф этиш, техник регламентларни соддалаштириш, божиона ва чегара тартиб-қоидаларини рақамлаштиришдан иборат.

**“ БМТ стандартларидан фойдаланган ҳолда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, транспорт йўлакларини диверсификация қилиш ва транскаспий транспорт йўлаги бўйлаб мультимодаль маълумотлар ва хужжатлар алмашувини рақамлаштириш бўйича “йўл харитаси”ни қабул қилишга оид ташаббусларни илгари суришдаги ҳамкорлик фойдалашмоқда.**

Боқуда бўлиб ўтадиган саммитда устувор йўналишлар бўйича ҳамкорликни янада ривожлантириш, шунингдек, СПЕКА тузилмаси ва фаолиятини тақомиллаштириш масалалари муҳокама қилинади.

Давлатимиз раҳбарининг бўлажак саммитдаги иштироки Ўзбекистоннинг минтақавий сиёсати ва минтақаларо ўзаро боғлиқлиқни мустаҳкамлаш бора-сидаги саъй-ҳаракатларининг мантикий давоми бўлиб, унда илгари сурилган ташаббуслар мамлакатимизнинг СПЕКА доирасидаги кўп томонлама, очиқ, амалий ва ўзаро манфатлиги шериклигини изчил ривожлантиришга содиқлигини яна бир бор тасдиқлайди.

“Дунё” АА

## МУНОСАБАТ

# ҲАЁТИЙ ЭВРИЛИШ АКСИ ҳар бир соҳадаги ўзгариш ва янгиланишларда намоён

Сурхондарё ероти ва ерусти бойликлари сероб вилоятлардан бири. Кейинги йилларда воҳада аграр тармоқ қатори саноат, қурилиш, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳалар ҳам изчил ривожланиб, янги-янги иш ўринлари яратилмоқда.

Хусусан, бугунги кун талабларига жавоб берадиган бочча, мактаб, маҳалла бинолари, энг замонавий тиббий жиҳозларга эга оилавий поликлиникалар қад ростламоқда. Тадбиркорлик жадал ривожланиб, ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажми ортмоқда. Янги-янги корхоналар очилиши аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартиришга қаратилган ҳаракатларнинг бир қисми, ҳолос.

Бугун вилоятда бўлаётган катта ўзгаришлар, янгиланишларни кўриб беҳад қувонасиз, бахтиёр бўласиз. Очиги, кейинги етти йилдаги ўзгаришлар, янгиланишларни кўриб, ўн йиллаб ҳал бўлмаган масалаларни, мана, қилса бўлар экан-ку, дейсиз.

Давлатимиз раҳбари вилоятга аввалги таширифи чоғида кўплаб истиқболли лойиҳалар билан танишиб, қурилиш-бунёдкорлик кўламини кенгайтириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиш бўйича маълумотлар олдиға аниқ вазифалар қўйган эди. Истақнинг ўзи билан иш битмайдди, ободлик йўлида ҳар бир мутасадди, аҳоли вакиллари ҳам жон-жаҳди билан ишга киришган. Натижада ўтган даврда Сурхондарёда сезиларли янгиланиш ва ўзгаришлар рўй берди. Бу янгиланишлардан фахр ҳиссини туйган сурхондарёликлар Президентимизнинг ҳар бир таширфини одамлар қўлиш варажасини оширишга хизмат қилиб, вилоятга барака олиб келадиган байрамона тадбир сифатида баҳоламоқда.

Инчунин, қисқа даврда воҳада аҳоли яшаш шароити яхшиланиши, тайинли иш, доимий даромад манбаига эга бўлиши, оиласи билан тинч-хотиржам яшаш учун барча имкониятлар ишга солиняпти. Маҳаллий ва хорижий сармоядорлар мабғали жалб этилиб, янги-янги лойиҳалар бошланмоқда. Осмонўпар турар жой бинолари ва бошқа ижтимоий соҳа объекти қад ростлаб, кенг, равои йўлар барпо этилаётди. Худудларда “маҳаллабай” ишлаш тартиби жорий этилиб, ҳар бир маҳаллада аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни кенг ривожлантириш, инфратузилма билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш йўлга қўйилди.

Бир пайтлар воҳада ичимлик сув таъминоти энг оғирлики масалалардан эди. Энди бу муаммо секин-аста чекина бошлади. Сурхондарёликларни ўзоқ йиллар қийнаб келаятган тоза ичимлик сув масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, кўп-кўп хонадонлар илк бор марказлашган ичимлик сув билан таъминланди.

Мамлакат иқтисодиёти ва аҳоли ўсиши билан электр истеъмоли ҳам кўндал-кўнга ошмоқда. Шу боис, гидроэнергетикани ривожлантиришга катта ургу берилмоқда. Тўпаланг гидроэлектр станцияси 2006 йилда ишга туширилган пайтда жами 30 мегаватт қувватли иккита агрегат ишга берди. Давлатимиз раҳбари 2019 йил апрелда бу ерда бўлиб, яна иккита гидроагрегат қуриш юзасидан топшириқ берди. Аввалги сув омбори тўғони қўшимча 20 метр қўрилди. Натижада унинг сигими 380 миллион куб метрдан 500 миллионга етказилди. Замонавий технологиялар асосида қурилиш-монтаж ишлари бажарилиб, жами қуввати 145 мегаваттлик иккита агрегат ўрнатилди. Шу тариқа Тўпаланг ГЭСининг умумий қуввати 175 мегаваттга етиб, Чорвоқ ГЭСидан кейин мамлакатимиздаги иккинчи йирик станцияга айланди. Бу ерда йилга қўшимча 467 миллион киловатт-соат электр қуввати яратилди. Қарийб 167 мингта хонадоннинг электр таъминоти яхшиланди. Бу йилга ўртача 107 миллион метр куб табиий газ тежаланди, дегани.

Ўзим ҳам сурхондарёликман. Ҳар оғир охири ҳафтада халқ билан мулоқот қилиш, одамларни ўйлантираётган масалаларга ечим топиш мақсадида вилоятимиз ҳудудларида бўлиб, сайловчилар билан мулоқотлар ўтказамиз. Очиги, ҳар гал бирор ўзгариш ёки янгиланишнинг гувоҳи бўламиз. Энг муҳими, одамлар кайфияти баланд, ислохотлардан мамнун. Қудий мисол. Яқин-яқинча вилоятда кўп бўлган пахсадевор мактаблар, томлари пой сувоқли уйлар бугун кескин камайди. Мавжуд таълим муассасалари реконструкция қилиняпти, янгилари барпо этилмоқда.

Имсон қачон хотиржам ҳаёт кечиради, қачонки тайинли иш жойи бўлса.

Биргина жорий йилнинг ўтган даврида оғир аҳволдаги 118 маҳаллада касаначилик лойиҳаларини амалга ошириш эвазига қарийб ўн минг кишининг бандлиги таъминланди. Маҳаллаларга оилавий тадбиркорликни олиб кириш орқали фуқароларимиз ишли бўлди. Бу, ўз навбатида, минглаб фуқароларимиз кўнглини тоғдай кўтариб, эртанги кунга ишончини янада оширди.

Қисқа даврда табиёт, таълим тизимларида юз берган янгиланишлар ҳам одамларда ислохотларга ишонч, юрт тараққиётига дахлдорлик туйғусини юксалтирмоқда. Албатта, бу ўзгаришлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Бунинг учун йирик мабғал ажратилиб, воҳа салоҳиятидан оқилона фойдаланилмоқда. Мулола-сиз айтиш мумкинки, бугун узоқни кўзлаб юритилаётган прагматик халқчил сиёсат тўғрисида одамлар елкасидан ташвиш, муаммолар тоғи ағдарилмоқда, қўнғил-ларга чўккан қоронғи пардалар сидириб ташланмоқда. Ору-хаваслар қайтмоқда, фахр-ифтихор қайтмоқда, шодлик қайтмоқда.

Президентимиз шу йил 16-17 ноябрь кунлари Сурхондарё вилоти навабдаги таширифи чоғида воҳада ижтимоий-иқтисодий соҳаларда юз берган оламшумул ўзгаришлар билан танишди. Хусусан, Термиз шаҳрида Сурхондарё вилоти иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан ўтказилган йиғилишда қатор аниқ вазифаларни белгилаб берилдики, бу воҳа ахлини ҳаракатга келтиргани, фаолликка қорлагани рост. Буларнинг ҳаммаси аҳолининг эртанги кунга ишончини янада ошириб, уларни муаммолардан кутқаради.

Давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори билан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари ташкил этилмоқда. Бу ўларнинг тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун замин бўлмоқда. Термиз шаҳрининг Тинчлик маҳалласи ҳудудида ҳам шундай шариот яратилди. 2 гектар майдондаги биноларда жами 42 лойиҳа жойлаштирилди. Улар қурилиш материаллари, кимё ва нефть кимёси, мебелсозлик, озиқ-овқат, таъмир-қуриш саноатига тааллуқли. Биноларни харид қилиш, усқуналар олиб келиш ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармасидан имтиёзли кредитлар

тижорат банклари орқали ажратилади. Барча корхоналар ишга тушган, 500 дан ортиқ иш ўрни яратилади.

Президентимиз вилоятга таширифи давомида Термиз шаҳрида барпо этилган Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонасини бориб кўрди. Бу ерда жойлаштирилган корхоналар маҳсулотларини кўздан кечирди. Улардан бири анор шарбатини қадоқлаб, қўшни давлатларга экспорт қилмоқда. Яна бири қийим ва гилам тўқишни йўлга қўйиб, хотин-қизларни иш билан таъминлаган.

Давлатимиз раҳбари бундай саноат зоналарини вилоятнинг ҳар бир туманида очиб, маҳаллаларда хунармандлик, касаначиликни кенгайтириш зарурлигини таъкидлади. Икки йиллик тажрибадан келиб чиқиб, Сурхондарёда ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича алоҳида қарор қабул қилиш, бунга 50 миллион доллар мабғал ажратиб бўлишга тақлиф ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Албатта, юртимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга бу даражада катта эътибор қаратилмаётгани бежиз эмас. Чунки Президентимиз айтганидек, бугунги тадбиркор ёшлар — янги Ўзбекистон маҳсули. Уларнинг билими ҳам, интилиши ҳам янги. Шунинг учун саноат зоналарини ёшларнинг ўзига бериш керак.

Эзуликка йўғрилган амаллар, халқчил саъй-ҳаракатларнинг ҳаммаси ҳар бир инсоннинг қаерда яшаш ва ишлашидан қатъи назар, қадр топиши, фаровон яшаш, мурод-мақсадиға етиши учундир. Президентимиз қайси вилоятга борма-син, аввало, инсонни рози қилишга, унинг фаровон яшаш учун зарур шароитлар, имкониятлар яратишга алоҳида эътибор қаратапти. Сурхондарёда ҳам худди шундай бўлди.

Мазкур ташириф ҳам одамлар турмуш даражасини ошириб, худуднинг бекиёс имкониятларини юзага чиқариш, халқимиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади. Бунинг учун барчамиз биргаликда ҳаракат қилишимиз, инсон қадрини улугланган юрт ривожини, тараққиёти учун бор куч ва салоҳиятимизни сафарбар этишимиз лозим.

**Фахриддин САМАДОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати**

## НУҚТАИ НАЗАР

# ҲАР ҚАРИЧ ЕРНИНГ ЎЗ ЭГАСИ аниқ ҳисоби бўлади

Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз раҳбари раислигида шу йил 21 ноябрь кунини ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ҳисобини юриштириш ҳамда кадастр хизматлари сифатини яхшилаш масалалари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида айна соҳада бажарилиши лозим бўлган янги топшириқлар берилди. Камчиликлар таҳлил қилиниб, ечимлар ўртага ташланди. Бу соҳа вакиллари, мутахассислар олдиға аниқ вазифаларни қўймоқда.

**Мирсаид МИРМАҚСУДОВ, Кадастр агентлиги директори ўринбосари:**

— Кейинги йилларда юртимизда ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва ер муносабатлари соҳасида қонунийликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Айниқса, ер ҳисобини олиш, давлат ер кадастри маълумотларини тўғри юриштириш фаоллашиб, рақамлаштириш жараёнига ўтирди. Айни пайтда мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча тоифадаги ер ресурсларини хатловдан ўтказиш ва республика ер фондини тўлиқ қамраб олиш тизимини тақомиллаштириш ишлари давом этмоқда.

Бу йўналишда замонавий технологияларни қўллаш иш самарадорлигини янада оширяпти. Аэрофотокамера ва дронлар қўлланилаётгани натижада кўп захиралар аниқланмоқда. Масалан, Қашқадарё вилоятининг жами 2856,8 минг гектар ер майдонидан 2321,6 минг гектарда самолёт ёрдамида аэросуратга олиш ишлари бажарилиди. Биргина Қарши туманининг жами 91,6 минг гектар ер майдонидан олинган суратлардан фойдаланган ҳолда сўғориладиган экин ерлари хатловдан ўтказилганда, 5,1 минг гектар ҳисоботда экин ери сифатида кўрсатилмагани маълум бўлди. Бу бюджетга қанча тушум, қанча иш ўрни ва даромад йўқитилаяпти, дегани. Шу боис, Президентимиз томонидан Кадастр агентлигиға туман ва шаҳар ҳокимлари билан бирга йил якунигача аэросуратга олиш ишларини Тошкент шаҳри,



Тошкент ва водий вилоятларида, келгуси йили эса қолган ҳудудларда тўлиқ якунига етказиш топшириғи берилди. Охириги 3 йил давомида UZKAD тизими орқали юртимизнинг 96 фоиз ёки 43,1 миллион гектар ер майдонининг электрон харитаси яратилиб, 40,2 миллион гектари давлат рўйхатидан ўтказилгани ҳам рақамлаштириш мақсули. Жараёнда ўтказилаётган таҳлиллар эса тегишли хулосалар чиқаришга туртки бермоқда. Худудлардаги 900 минг гектардан ортиқ қишлоқ хўжалиғи ерини ҳисобга олишга таъсир кўрсатаётган омиллар, масалан, ерга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатнинг тўлиқ ёки қисман мавжуд эмаслиғи шулар жумласидан. Бунинг натижасида 286,2 минг гектар қишлоқ хўжалиғи еридан фойдаланиб келаятган 10 мингдан ортиқ юридик ва жисмоний шахс фойдаланувчи сифатида ҳисобга олинган. Бунда энг юқори кўрсаткич Қашқадарё вилоти ҳиссасига тўғри келмоқда.

Шунингдек, 159 минг гектар ердан фойдаланувчиларнинг ҳужжатида кўрсатилган ер майдониға нисбатан амалдаги ер майдони ўртасида тафовутлар мавжудлиғи сабабли давлат рўйхатидан ўтказилмаган. Қайд этилган 19 минг 658 та қишлоқ хўжалиғи корхонасининг 460,5 минг гектар қишлоқ хўжалиғи ерлари эса ҳуқуқий мақоми аниқ эмаслиғи сабабли ҳам шундай йўл тутилган. Таҳлилларга эътибор қаратсак, ер майдонини ажратиш билан боғлиқ қарор муаммолар тўпланиб қолгани кўзга

ташланади. Хусусан, узоқ йиллар давомида собиқ колхоз, совхоз ерларидан аҳолиға уй-жой қуриш учун 817,1 минг гектар ер ажратилган бўлиб, улар ҳисоботда қишлоқ хўжалиғи ерлари тоифасида томорқа сифатида юриштиб келинмоқда.

Худудлар кесимида бу кўрсаткич Бухорода 128,3 минг, Қашқадарёда 117,8 минг, Самарқандда 85,9 минг, Тошкент вилотида 78,8 минг гектарни ташкил этади. Бундай ҳолатлар ўз-ўзидан ер ҳисобининг тўғри юриштилишиға тўсиқлик қилмоқда. Шу боис, 2024 йил 1 июлга қадар битта туман мисолида аҳолиға яқна тартибда уй-жой (томорқа ер) ва қишлоқ хўжалиғидан бошқа мақсадларда бино-ишоотлар қуриш учун ажратилган ерлар тоифасини ўзгариштириш бўйича эксперимент ўтказиш белгиланган.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари томонидан сув фонди ерлари ва ички автомобиль йўллари эгаллаган ерларни ҳисобга олиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича ҳам масъул вазирлик ҳамда идораларға тегишли кўрсатмалар берилди. Гап шундаки, хозирги кунга қадар юртимизда мавжуд 827 минг гектар сув фонди ерларидан 318,3 минг гектари ҳамда 172,1 минг гектар ички автомобиль йўлларида 5,1 минг гектари давлат рўйхатидан ўтказилган. Аммо қолган 509 минг гектар сув фонди ва 167 минг гектар ички автомобиль йўлларининг ер ажратиш қарорлари ва чегаралари белгиланмагани сабабли ҳисобга олинмасдан қолмоқда.



**ТАҲЛИЛЛАРГА КЎРА, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАРНИНГ УМУМИЙ МАЙДОНИ 20 236,3 МИНГ ГЕКТАР. УНИ КЕНГАЙТИРИШ БЎЙИЧА КАТТА ИШЛАР ҚИЛИНАЁТГАНИГА ҚАРАМАЙ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА 286 МИНГ ГЕКТАР ЕРНИНГ ҲУҚУҚ БЕЛГИЛОВЧИ ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎЛИҚ ЭМАС. ДОИМИЙ ФОЙДАЛАНИШ УЧУН АЖРАТИЛГАН 460 МИНГ ГЕКТАР ЕРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ АНИҚ ЭМАС, 159 МИНГ ГЕКТАР ЕРНИНГ ҲУЖЖАТДАГИ ВА АМАЛДАГИ МАЙДОНИ БИР-БИРИДАН ФАРҚ ҚИЛАДИ.**

**Дилрабо ХОЛБОЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиғи масалалари қўмитаси аъзоси:**



— Ердан самарали фойдаланиш нафақат конституциявий, балки келажак авлод олдиға энг катта бурчимиздир. Кейинги йилларда юртимизда бу ресурсдан оқилона фойдаланиш ва ер муносабатлари соҳасида қонунийликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаяптгани боиси шунда. Жумладан, ер ресурсларини асраш, ундан самарали фойдаланиш борасида ҳам кенг қўламли ислохотлар кечмоқда. Хусусан, қишлоқ хўжалиғи ерлари билан боғлиқ муносабатлар барқарорлиғи таъминланиб, уларнинг мониторингини юриштириш, ер майдонларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тизимини тубдан тақомиллаштиришга қаратилган ишлар бир неча баробар фаоллашган.

Бу ҳаётини зарурат ҳамдир. Чунки ер ҳазина бўлиб, унинг ҳар қа-

ричидан унумли фойдаланиш мўл ҳосил ва барака дегани. Айниқса, озиқ-овқат хавфсизлиғи дунёни жиддий ташвишга солаётган бир вақтда соҳаға замонавий ёндашув, аниқ ҳисоб-китоб билан бирга, мавжуд ер майдонларидан тўғри фойдаланиш талаб этилмоқда. Қолаверса, худудлардаги иқтисодий ўсиш, озиқ-овқат хавфсизлиғи, иш ўринлари ва инвестиция оқими, аввало, ерга боғлиқ.

Аммо соҳада камчиликлар йўқ эмас. Биргина мисол. Таҳлилларға кўра, қишлоқ хўжалиғиға мўлжалланган ерларнинг умумий майдони 20 236,3 минг гектар. Уни кенгайтириш бўйича катта ишлар қилинаётганга қарамай, қишлоқ хўжалиғида 286 минг гектар ернинг ҳуқуқ белгиловчи ҳужжатлари тўлиқ эмас. Доимий фойдаланиш учун ажратилган 460 минг гектар ернинг ҳуқуқий мақоми аниқ эмас, 159 минг гектар ернинг ҳужжатдаги ва амалдаги майдони бир-биридан фарқ қилади. Натижада жами 900 минг гектардан зиёд қишлоқ хўжалиғи ерлари кадастр рўйхатидан ўтмасдан турибди. Кадастри йўқлиғи сабабли ернинг такрорий экинлар учун расман иккиламчи ижараға бериш имкони бўлмапти. Булар тўғрисида қамда 300 минг иш ўрни, такрорий экиндан олинаётган маҳсулот ҳамда норасмий ижаранинг ҳисоби юриштилмапти.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиғи бўйича улкан салоҳиятга эга, токи ерга қор тушгунча ҳосил олиш имконияти бор. Бундан самарали фойдаланиш, табиат неъматини борида қадрлаш керак. Иқтисодиётимиз барқарорлиғи учун ҳам, аввало, ерни увор қилмаслик, ризку руз ундиришда ҳафсаласиз ва сусат кайфиятдан тўла халос бўлмоқ лозим. Токи ернинг умри зое кетмасин, бозорларимиздаги файзу баракаға пуртур етмасин.





## ОГОҲЛИККА ДАЪВАТ

**Исмоил САИФНАЗАРОВ,**  
фалсафа фанлари доктори,  
профессор

Бошланғич 1-бетда

Халқимизда "Бир кун жанжал чиққан уйдан қирқ кун барака кўтарилади", деган нақл бор. Бундай жанжаллар минтақа миқёсида, қитъа миқёсида, бутун ер юзида юзага келтирадиган парокандаликни, инкирозни, бахтсизликларни тасаввур этиб кўринган-а! Шу маънода, ҳар қандай қирғинбарот уруш аслида инсониятни тамаддун ривожидан анча орқага иргитиб ташлайдиган, ҳеч қандай залворли ваз-қарсон билан ҳам оқлаб бўлмайдиган қонли воқеалиқдир. Чунки ҳар қандай урушнинг мохиятида инсон ҳаётига қасд қилиши истаги ётади. Таъбир жоиз бўлса, уруш одамнинг ўзи ўтирган дарахт шохини ўзи қирқишга тушишидир. Жанжал оловиде исиниш учун унга тинмай мой селиб турганлар бир ҳақиқатни англаб олиши лозим: урушда ғолиблар бўлмайди, вақтида сув селиб қўйилмаса, эртани-кечми, бу оч олов ҳаммани домга тортиб кетади, ҳеч кимни четлаб ўтмайди.

### Ўзбекистон таклифи: низоларни "икки халқ учун икки давлат" тамойили асосида ҳал қилиш керак

Фаластин ва Исроил ўртасидаги қуролли тўқнашувлар авж олаётгани дунёни ташвишга солиб қўйди. Исроил армияси ва ХАМАС ҳаракати ўртасида давом этаётган қуролли тўқнашувлар оқибатида аёллар ва болалар қурбон бўлмоқда, одамлар бошпанасидан айрилмоқда, улар ўз уйини, жонжон Вантанини ташлаб кетишга мажбур...

Мамлакатимиз ҳам халқро майдондаги воқеаларга муносабат билдиришга, вазоалани, яқин пайтларгача биз бундай низолабга юзимишни тескари бурардик.

Президентимиз Яқин Шарқ минтақасида кескинлашаётган воқеаларга Остона шаҳрида Тўркий давлатлар ташкилоти давлат раҳбарлари кенгаши йиғилиши ва Тошкентда Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммитидаги нутқида ҳам Ўзбекистон позициясини очиқ баён этди. Давлатимиз раҳбари Фаластин — Исроил муаммосига тўхта-лар экан, ҳар икки томонни зудлик билан гуманитар мақсадларда мурсога келишга, жанговар ҳаракатларни тўхтатиб, низоини тинч йўл билан ҳал этишга чақирди. Муаммонинг ягона ва энг адолатли ечими — низоини "икки халқ учун икки давлат" тамойили асосида ҳал этиш эканини таъкидлади. Зувронлик янада авж олаверса, халқро вазиятнинг кенг миқёсида издан чиқишига, қуролли тўқнашувларга янги кучлар тортилишига, бу эса Яқин Шарқ минтақаси билан чекланмай, узоқ ўлкаларга ҳам тарқалиб кетадиган, оқибатини башорат қилиб бўлмайдиган фожиаларга олиб келиши мумкинлигига эътибор қаратди.

Уруш занжир реакциясини келтириб чиқариши, ўз домига яқин-йироқ худудларни тортиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас. Шундай экан, Фаластин ва Исроил томонлари жанговар ҳаракатларни зудлик билан тўхтатиши, тезда мурсога йўлга ўтиши бутун дунё учун фойдали бўлади.

Давлатимиз раҳбари Фаластин ва Исроил томонидан қурбон бўлган барча инсонларнинг оилаларига чин дилдан таъзия ва ҳамдардлик изхор этар экан, Ҳазо сектори аҳолисига баҳоли қудрат ёрдам кўрсатиш учун БМТнинг Яқин Шарқ агентлигига 1,5 миллион доллар ажратишга қарор қабул қилганини билдирди. Бу кўп миллатли ва бағрикенг Ўзбекистон халқи кўнглидаги гап бўлди.

Биз яшаётган минтақа халқлари дунёга доим тинчликни соғинувчи ўлка сифатида танилиб келган. Халқимизнинг бағрикенглиги ва меҳмондўстлиги барчага яхши маъlum. Ўзбек халқи Инқилби жажон уруши йилларида ҳам оғир шароитларда юртимизга кўчи-



рилган турли миллат вакилларига ҳеч иккиланмасдан кучоғини очган, топган нонини ўртада баҳам кўрган. Биз турли миллат ва конфессиялар вакиллари ўзаро тинч-тотув ҳаёт кечириши тарафдоримиз. Ўз навбатида, жажон ҳамжамиятини ҳам бу масалага беъэтибор бўлмасликка, ҳар қандай муаммони фақат ва фақат тинчлик йўли билан ҳал этишга чақирганимиз ва шундай бўлиб қолади ҳам. Бу принцип янги Ўзбекистон ташқи сиёсатида фаол позиция касб этмоқда. Буни бутун дунёда катта ташвиш ва хавотир уйғотаётган масалаларга ва уларнинг тинчлик йўли билан ҳал этилишига доир муносабатларимизда ҳам кўришимиз мумкин. Қуролли тўқнашувлар бошланганига бир ой тўлмай 5000 дан зиёд болалар ва аёл ҳалок бўлди.

### "Меҳр" операцияси — меҳрли сиёсат самараси

Давлатимиз раҳбарининг Афғонистон борасидаги мулоҳазалари кишини янада сергакликка ундаши билан қиматли. Айнан шу мамлакат мисолида уруш, зуравонлик ҳеч бир давлатга эзгулик олиб келмаслиги, аксинча, ёвузлик яна бир қарра ёвузлик яратишини англади.

Расмий маълумотларга кўра, афғон аёлларининг 85 фоизи, эркекларнинг эса 51 фоизи саводсиз, қишлоқ жойларда ҳаттоки 8-10 ёшли қизалоқлар



ҳам турмушга узатилмоқда, бу мамлакатда аёлларнинг ўртача умр кўриши даражаси 44 ёшни ташкил этмоқда, 40 йилдан зиёд вақт мобайнида давом этган уруш туфайли камида 1,5 миллион аёл бева қолган, улар ўртача 35 ёшда. Дунё бўйича ишлаб чиқарилган героиннинг 90 фоизи айнан Афғонистонда тайёрланади...

Биз дунёдаги энг тинч, энг осойишта ва инсон қадр-қиммати юксак баҳоладиган мамлакатда яшаймиз. Бу юртнинг одамлари бахт нима эканини жуда яхши билади. Бугуни, эртаси ва ундан кейинги ҳаёти ҳақида бемалол орзулар қилади, катта режалар тузади, фарзандлари камолини кўзлаб улуғвор ишларга қўл уради. Энг муҳими, буларни мутлақо табиий жараён сифатида қабул қилади. Афсуски, дунёнинг ҳамма давлатлари ҳақида ҳам бундай ёруғ фикрларни билдира олмаيمиз. Масалан, Сурия ҳақида...

Бу кўнча заминдаги тартибсизликлар дастлаб шунчаки, норозилик намоиши сифатида бошланган эди. Аммо тез фурсатда у кенг миқёсда

фуқаролар урушига айланди ва 10 йилдан буён қуролли тўқнашувлар давом этмоқда. Натижада қадимий Шом диёридаги бой маданий мероснинг катта қисми вайрон қилинди. Мамлакатдаги ЮНЕСКОнинг жажон мероси рўйхатига кирган ёдронликларнинг барчасига зарар етди. Энг ёмони, уруш натижасида 400 мингдан зиёд одам ҳалок бўлди. ЮНИСЕФнинг қайд этишича, фуқаролар уруши туфайли деярли 12 минг бола ўлган ёки жароҳат олган. Афсуски, шунча йўқотишларга



қарамай, уруш алангаси ҳамон пасаёгани йўқ.

Ҳа, бир пайтлар илм-фан юксак тараққиёт этган, таъбир жоиз бўлса, цивилизация марказларидан бири бўлган мамлакат бугун тамоман вайронга айланди. Минглаб сурияликлар она дёрини ташлаб, ўзга юртларда хор уруш, сарсон-саргардон бўлиб юрибди.

Таассуфки, ана шу вайронга айланган юртдан бахт, бойлик, саодат, топе ахтараётган инсонлар ҳам йўқ эмас. Улар орасида юртдошларимиз ҳам борлиги жуда аянчли. Хотини, фарзандлари билан кетган эркекларнинг кўпчилиги ўзга юртларда ҳалок бўлди. Мудҳиш ва аянчли хатонинг бадали қанчалик оғир бўлишини уларнинг яқинлари, айниқса, уруш домида қолган аёллар ва болалар ўз тақдирини кўриди.

Ўзбекистон давлати ва халқининг саховати, адашгани тўғри йўлга қайтаришдек инсонларварлик қадрияти туфайли уларга тинчлик, фаровон ҳаётнинг қадрига етиш, шу юрда қадр топишдек имконият қайта насиб қилди. Масалан, Шохиста Набиева Бешарик шаҳарчаси Чорбоғ маҳалласида истиқомат қилган. 2016 йилдан буён қидирувда бўлган бу аёл эрининг ортидан фарзандлари билан учинчи мамлакатлар орқали Сурияга бориб қолган. Эри жангоҳларда нобуд бўлган. Эри сангоҳларда нобуд бўлган, сарсон-саргардонликда яшаган. Беш норасидани жовдиратиб, оғир кунларни бошидан кечирган аёл энди ўз уйида. Ҳа, мудҳиш ва аянчли хатонинг бадали қанчалар оғир бўлишини бу аёллар яхши билади.

Умуман олганда, "Меҳр" операциялари орқали Ўзбекистон давлати ва халқининг юксак кечиримлилик, бағрикенглик, олижаноблик каби эзгу фазилатлари яна бир бор амалий тасдиғини топди. Ҳаёт йўлида адашган, ноқорлик, афсус ва надоматлардан силласи қуриган яна бир гуруҳ аёллар ва болалар юртга қайтарилди. Ўзбекистон ўз фуқароларининг ҳуқуқ ва манфаатларини, улар қаерда бўлишдан қатъи назар, ҳимоя қилишга қодирлигига халқро ҳамжамият яна бир бор гувоҳ бўлди. Ҳа, бунча мамлакат билан фақат ва фақат фахрлиниш ҳамда унга муносиб бўлиш керак, холос. Шурки, тинчлик-осойишталик барқарор юртда яшамоқдамиз. Шу сабабли бизга Афғонистон, Сурия ва бошқа давлатлардаги вазият кўрқинчи тушдай

**66** БИЗ ДУНЁДАГИ ЭНГ ТИНЧ, ЭНГ ОСОЙИШТА ВА ИНСОН ҚАДР-ҚИММАТИ ЮКСАК БАҲОЛАНДИГАН МАМЛАКАТДА ЯШАЙМИЗ. БУ ЮРТНИНГ ОДАМЛАРИ БАХТ НИМА ЭКАНИНИ ЖУДА ЯХШИ БИЛАДИ. БУГУНИ, ЭРТАСИ ВА УНДАН КЕЙИНГИ ҲАЁТИ ҲАҚИДА БЕМАЛОЛ ОРЗУЛАР ҚИЛАДИ, КАТТА РЕЖАЛАР ТУЗАДИ, ФАРЗАНДЛАРИ КАМОЛИНИ КЎЗЛАБ УЛУҒВОР ИШЛАРГА ҚЎЛ УРАДИ. ЭНГ МУҲИМИ, БУЛАРНИ МУТЛАҚО ТАБИИЙ ЖАРАЁН СИФАТИДА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ. АФСУСКИ, ДУНЁНИНГ ҲАММА ДАВЛАТЛАРИ ҲАҚИДА ҲАМ БУНДАЙ ЁРУҒ ФИКРЛАРНИ БИЛДИРА ОЛМАЙМИЗ. МАСАЛАН, СУРИЯ ҲАҚИДА...

кўриниши аниқ. Уруш гувоҳларининг ҳикоялари ҳам кишини шукроналикка чорлайди.

Таниқли тожик шоираси ва ёзувчи Гулрухсор Сафиева 1992-1997 йиллардаги уруш даҳшатларини бошидан кечирган аёллар ҳикояларини "Аёллар ва уруш" китобиде жамлаган. Панжлик Садафнинг ёлғизгина қизчаси бўлган. Урушда кўпчилик билан солга ўтириб, дарёдан Афғонистонга қочган. Аммо дарё ўртасига етганда, отишма бошланади ва барча сувга чўка бошлади. Садаф қандайдир бутага осилиб қолади, аммо қизчаси сувга фарқ бўлади. Қизалоқ сувга чўкар экан, онасидан ёрдам сўрайди. Лекин Садаф кўлини қўйиб юборса, ўзи ҳам сувга чўқишини англайди. Қизини қутқара олмаиди. "Бола жондан азиз, деган гаплар ёлғон экан, — тан олади Садаф. — Улимга юз тутган чоғинда ўз жонинг кўзинга ширин кўринаркан". Садаф ҳамон гуноҳ ҳисси билан ашайди. Ўзини кечиролмайди".

Бу ҳикоядан чиқариладиган хулоса битта: қаёки юртда тинчлик ва осойишталик ҳўс сурса, ўша ерда тараққиёт бўлади. Бизнинг эришаётган ютуқларимиз замирида ҳам ана шу тинчлик-осойишталик ётади. Агар истиқлолнинг ўтган 32 йилга назар ташласак, пойтахтимиз, вилоятлар марказлари, шаҳар, қишлоқларимиз, ҳатто энг чекка худудларда ҳам катта ўзгаришлар рўй берганига гувоҳ бўламиз. Юртимиздаги хотиржамлик ва барқарорлик туфайли хонадонларда тўю томошалар, байрам шодибаналар бўлмоқда. Бу неъматларга чин маънода шукрона қилиш ва уларнинг қадрига етиш керак.

### Огоҳ инсонгина ўз келажигига ақл билан теран назар ташлайди

Аслида, беқарорликларнинг келиб чиқишига кўп жиҳатдан маънавият ва ёшлар масалаларига лоқайдлик, бепарволик билан қараш, бу борада тегишли маънавий-маърифий ва амалий ишларнинг амалга оширилмагани сабаб бўлади. Шунингдек, ёшларни ўз ҳолига ташлаб қўйиш, ота-она, оила ва жамият назоратидан четда қолдириш оқибатида ёшлар ёвуз кучлар найранглирига алданиб қолаётгани ҳам ҳаёт ҳақиқати. Аҳоли орасида бой ва камбағалларнинг кескин табақаланиб кетиши, ишсизлик масаласига эътиборсизлик ҳам муаммонинг асосий сабабларидандир.


Энди ташқи кучлар таъсирига келсак, улар мамлакатдаги тайёр этилиб турган оғир вазиятга олов пурақаб, тўполонларни пайдо қилиб, ўз мақсадларини амалга ошириш учун қўлай вақт келгунга қадар пайт пойлаб турмоқда.

Ушбу манфур кучларнинг ғаразли мақсадлари жуда кўп. Масалан, ғалаёнлар юз бераётган араб мамлакатларининг аксарияти табиий бойликлар, айниқса, энергетика захираси кўп давлатлар экани аён бўлади. Ташқи кучлар ана шу моддий бойликларни талон-торож қилиш мақсадида ушбу нотинчликларни келтириб чиқараётгани кундай равшан.

Барқарорликни издан чиқариш орқали бу мамлакатлар Афғонистон каби нотинч худудга, кимларнингдир ғараз мақсадига хизмат қиладиган майдонга айлантирилади. Оқибатда бундай худудлар жиноятчи гуруҳлар учун макон ва ёвуз мақсадлар йўлида фойдаланадиган жой вазифасини ўтайди. Шунингдек, осойишталикка путур етиши натижасида аҳоли тинчлиги бузилади, қурбонлар бўлади ва мамлакатлар муаммолар исканжасида қолади. Қўшни давлатлар ҳам бундай вазиятлардан зарар кўради. Бундай ёвуз кучларнинг ўз қора мақсадларига эришиш борасидаги фаолияти турлича бўлса-да, тутаётган йўл ёки қилаётган ишлари бир хил — одамларнинг тинч ҳаётини издан чиқариш. Айниқса, баъзи бузғунчи гуруҳлар геосийсий мақсадларига эришиш йўлида қатор иштилоф ва кўнгилсизликларни келтириб чиқармоқда.

Донолар тинчлик — цивилизация неъматидир, уруш эса унинг офати, дейди. Дарҳақиқат, ҳозирги кунларда дунё халқлари учун тинчликни сақлаб қолиш, одамларнинг яшаш ҳуқуқини таъминлашдан ҳам муҳимроқ вазифа йўқ экани тобора чуқурроқ аён бўлмоқда. Тинчлик деб аталмиш улуғ неъмат ҳар ким, тараққиёт ҳам, ўсиш ҳам, фаровон ҳаёт ҳам бўлмайди. Асрлар давомиде юз берган қонли урушлар тарихини таҳлил этсак, кўз олдимизда бағоят аянчли манзара пайдо бўлади. Энг ачинарлиси, ана шундай урушларда энг кўп азият чекканлар инсоният келажиги бўлмиш болалар ва аёллардир. Одатда ҳимояга, ёрдамга ёки алоҳида ғамхўрликка муҳтож ана шу табақа вакиллари ҳаётини ташвишлардан холи этиш, улар осмонини қора булутлардан тазолаш ҳар доим ҳам муқаддас бурч бўлиб келган.

ЮНИСЕФ ва қатор халқро ҳамда минтақавий ташкилотлар навқирон авлод турмуши фаровонлигини юксалтириш, улар ҳаётини турли офатлардан асраш, ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган сай-ҳаракатларни амалга ошириб келмоқда. Жажон ҳамжамиятининг қашшоқлик ва очликни тутатиши, саводсизликка барҳам бериш, қочоқлар муаммосини ҳал этишга қаратилган чора-тадбирлари, биринчи галда, аёллар ва болаларга ғамхўрлик ифодаси, албатта. Зеро, юқорида тилга олинган иллатлар, аввало, уларнинг ҳаётини издан чиқармоқда.



Сўнги ярим аср мобайнида халқро гуманитар ва инсон ҳуқуқлари соҳасида қатор конвенциялар қабул қилинганга қарамай, ҳимоясиз болалар ва аёлларга нисбатан шафқатсиз муомалада бўлиш, уларни зўрлаш, қийнаш ва ўлдириш, аксарият ҳолларда ёш болаларни урушга ёллашдек оғир иллатларга ҳар қадамда дуч келмоқдамиз. Шу кунларда ҳам дунёнинг қатор худудларида сайёрамиз ҳаётига хавф солаётган маҳаллий ва этник урушлар, миллий низолаб давом этаётгани афсусланарди.

ЮНИСЕФ маълумотларига кўра, охириги ўн йилда юз берган ҳарбий тўқнашувларда воёга етмаган камида 2 миллион бола қурбон бўлган, 10 миллиондан ортки майиб-мажрўх бўлгани етмаганидек, ота-ониси ва бошпанасидан айрилган. Яна миллионлаб болаларнинг тўйиб овқат емаслиги, очарчилик ва турли хасталиклардан кўз юмаётганига гувоҳ бўляпмиз. Айрим давлатларда ёш авлод вакиллари учун мактаб эшиклари умуман ёпиқлиги, 1 миллиарддан ортки одамнинг саводсизлиги, уларнинг аксариятини эса болалар ташкил этаётгани бунга исбот бўлиши мумкин. Ҳатто айрим ривожланаётган мамлакатларда мактабга жалб этилган болаларнинг 60 фоизи турмуш қийинчиликлари туфайли ўқийдан кетишга мажбур бўлаётгани, ҳар йили сайёрамиз бўйлаб 14 миллион гўдақнинг турли хасталиклардан нобуд бўлаётгани эса бу борадаги вазият нақадар аянчли эканини кўрсатиб турибди.

Нотинчлик, қуролли тўқнашув, жабрулдан тинка-мадори қуриган хотин-қизларнинг тинмаётган кўз ёшлари... Қорни тўйиб-тўймаган, уст-боши юпун, ялангоёқ, тинчлик, бахт нима-лигини ҳис қилмайдиган, бундай буюк неъматдан мурсоу қилинган, кўзлари бежо беғуноқ болажонларнинг йиғи-сигиси, гўдақларнинг ноласи... Ватангадолик, хорлик, уруш ўқубатларидан буткул ғамга ботган қочқинларнинг аччиқ қисмати... Телеэкранларда намойиш этилаётган бундай манзаралар бағритош инсоннинг ҳам юрагини жунбушга келтириши тайин. Беихтиёр кўзларда ёш томчилари пайдо бўлади. Беғуноқ аёллар, норасида болаларнинг бошига шундай ташвиш, оғир, унутилмас хорликларни солган урушга ана бир бор лаянат ўқийсиз.

Шундай кезларда Ўзбекистондек муқаррар тинчлик қарор топган юртда яшаётганининг, дориланом кунлар шуқуддан баҳраманд бўлаётганингизга шукроналар айтасиз. Ҳар кўни эрталаб фарзандларингиз кўзидеги қувонч, бахтли болалик нашидаларни қўриб, тинчлик, хотиржамлик нақадар буюк неъмат эканини қалбдан ҳис қиласиз.

Инсон огоҳ бўлсагина келажигига ақл билан теран назар ташлайди, келиши ёки содир бўлиши мумкин бўлган фитнес-фасод, хавф-хатарнинг олдини олиш ва бартараф қилиш ҳаракатида бўлади.

Бас, шундай экан, тинчлик учун барчамиз масъулмиз. Тинчликни сақлаб қолиш аслида осон иш эмас. Бунинг учун катта сай-ҳаракат ва ҳаражатлар талаб этилади. Шунга кўра, биз ҳам тинч, осойишта ва фаровон ҳаётнинг қадрига етиш, бу фаровонлик, осуда турмушимизнинг барқарорлигини таъминлашга ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз лозим. Ҳамиша ҳушёр ва огоҳ бўлайлик!



## “ЯШИЛ МАКОН” УМУММИЛЛИЙ ЛОЙИХАСИ

# ИЛМИЙ АСОСЛАНГАН СУҒОРИШ ТИЗИМИ

## Бугун экилаётган кўчатлар азим дарахтларга айланиши учун керак

**Ғиёсжон РАҲИМОВ,**  
Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти бош илмий ходими, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор, 1-даражали “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишони соҳиби



Бошланиши 1-бетда

### Эзгу лойихадан қандай мақсад кўзланган?

Маълумки, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида йилга 200 миллион туп дарахт ва бута кўчатларини экиш белгиланган. Демак, 5 йилда 1 миллиард туп дарахт кўчати ва буталар экилади. Бундай кенг кўламли ташаббус орқали барча давлат идоралари, корхоналар, таълим муассасалари ҳудудида 440 дан ортиқ яшил боғ ташкил этилади.

Давлатимиз раҳбари жорий йил 11 октябрь кунини “Яшил макон” лойиҳасининг кузги дарахт экиш мавсумини эълон қилди. Юртимизда ушбу ҳаракат бошланганига эса 2 йил бўлди. Шу даврда 1 минг 200 гектардан ортиқ яшил боғ ва жамоат парклари, 1 миллион гектардан зиёд яшил ҳудуд ва қопламалар барпо этилди.

Йилнинг 25 октябрдан 1 декабрга, яъни 45 кун давом этадиган лойиҳанинг навбатдаги мавсуми доирасида мамлакатимиз бўйича режалаштирилган 85 миллион манзарали дарахт кўчати ва буталар экилиши бўйича бир қатор вазифалар белгилаб берилди.

Илмий тадқиқотларга қараганда, бир гектар майдондаги боғ бир кеча-кундузда 200-275 килограммга карбонат ангидрид газини ютиб, 180-215 килограмм кислород ажратади. Бу микдор ўртача 500 кишини кун давомида кислород билан таъминлаш учун етарли бўлади. Шунинг учун ҳам дарахтлар, боғлар, умуман, яшилликни ўша ҳудуднинг “ўпка”си деймиз. Навоий, Олмалик, Ангрен каби сановатлашган шаҳарлар ва вилоят марказлари, шу жумладан, пойтахтимизда Айлант дарахтини экиш тавсия қилинади. Негаки, сановатлашган ва йирик шаҳарларда транспорт воситалари кўп ва улар заҳарли газларни кенг тарқатади. Айлант дарахти эса айнан заҳарли газларни ютиб, ҳавони тозалайди. Уни сассиқ дарахт ёки Хитой шумтоли, деб ҳам аташади. Дарахтнинг ўзига хос қўлай жиҳатларидан яна бири, кўп сув ва парвариш талаб қилмайди.

Унутмаслик кераки, глобал иқлим ўзгаришлари салбий оқибатларини юмшатиш, чанг-тўзонлар кўтарилишининг олдини олиш, умуман, нафас олаётган ҳавомизни тозалаш каби эзгу мақсадларга қаратилган “Яшил макон” лойиҳаси фақат кўчат экишдан иборат эмас. Бинобарин, ҳозир экилаётган ниҳоллар азим дарахтларга айланиб, табиатимизнинг жонли қалқонига айланиши учун, халқимиз таъбири билан айтганда, анча-мунча “қовун пишиги” бор. Чунки йилга 200 миллионнинг ўрнига 2 миллиард туп кўчат эксангиз ҳам, унга қаров бўлмаса, кўчатлар илдиз отиб кетишига илмий ёндашилмаса, келаси йил чўпга айланади, яъни

### “Yashil makon” платформаси амалда

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси кузги мавсумини ташкил этиш

**“ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИ УЛОМАЛАР КЕНГАШИНИНГ “ЯШИЛ МАКОН” УМУММИЛЛИЙ ЛОЙИХАСИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, ШУ АСОСДА ҲУДУДЛАРНИ ОБОДОНЛАШТИРИШ, КўЧАТ ВА ГУЛЛАР ЭКИШНИ ТАРҒИБ ЭТИШГА ҚАРАТИЛГАН БАЁНОТИДА “ЯШИЛЛИК ОЛАМИ БУ — ТОЗА ҲАВО, СОҒЛОМ ҲАЁТ, УЗОҚ УМР ВА САНОАТ РИВОЖИДИР” ДЕЙИЛАДИ. ҲАР БИР ИНСОННИ УНГА АТО ЭТИЛГАН НЕЪМАТ — ТАБИАТНИ АВАЙЛАШ, АТРОФ-МУҲИТНИ ОЗОДА САҚЛАШ, МУҲОҒАЗА ҚИЛИШГА ЧАҚИРАДИ.**

масалалари бўйича белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Бугунги кунда республикамизнинг барча ҳудудларида экилган кўчатлар ҳолатини электрон тизим орқали назорат қилиш бошланди. Экология ва атроф-муҳитни муҳофазаси қилиш, иқлим ўзгариши вазирлиги томонидан арбарис, дендролог, тупроқшунос, агроном олимлардан иборат эксперт

гуруҳи ташкил қилинди. Бунга қўшимча равишда ҳар бир ҳудудда амалий ёрдам ва мониторинг гуруҳлари тузилди.

Вазирлик таҳлил марказида лойиҳа доирасида экилаётган кўчатлар ҳолати онлайн режимда мониторинг қилиб борилади.

“Yashil makon” платформасида туман, вилоят штаблари экилган кўчатларнинг тури, нави, қайси субъект эккани, қаерга экилгани ва парваришини таҳлил қилиб боради. Демак, ҳар бир кўчатнинг эгаси, масъуллари бор. Бириктирилган масъуллар экилган кўчатларни яроққ эзиб, азим дарахтга айлантиришга қаратилган иш олиб боради.

Бугунги кунга қадар экилган 91 миллион тупдан ортиқ дарахт ва бута кўчатларнинг 62 миллиони “Yashil makon” платформасига киритилди ва бу ишлар тизимли равишда амалга оширилмоқда.

### Яшиллик олами, бу — соғлом ҳаёт

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уломолар кенгашининг “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини қўллаб-қувватлаш, шу асосда ҳудудларни ободонлаштириш, кўчат ва гуллар экишни тарғиб этишга қаратилган баёнотида “Яшиллик олами, бу — тоза ҳаво, соғлом ҳаёт, узоқ умр ва сановат ривожидир” дейилади. Ҳар бир инсонни



ларни шунга ўргатишимиз керак. Бу ҳаммамизнинг ишимиз ва инсоний бурчимиздир”, деган эди.

### Сувчилар боғи барпо этилмоқда

Кўчат экиб, боғ яратиш азалдан савобли иш ҳисобланган. Мевасидан одамлар баҳраманд бўлган, манзарали дарахтлардан дили ёришган, ёғочидан қурилишда фойдаланилган.

Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги тоғли Ғижол қишлоғидан Сув хўжалиги вазирлигига 42 гектар ер майдони ажратилган. Сувчилар бу ерда 21,5 минг туп бодом кўчати экиб, “Сувчилар боғи” бунёд этишни бошлаб юборди. Шу муносабат билан ташкил этилган ҳашарда вазирлик марказий аппарати, тизим ташкилотлари билан бир қаторда, Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти олим ва мутахассислари ҳам фаол қатнашди.

Албатта, тоғолди ҳудуди ёки лалми жойда дарахт ўстиришнинг ўзи бўлмайди. Сувчилар бунинг ҳисобини олган. Яъни пастандан оқиб ўтувчи сойдан насос орқали сув чиқарилиб, ҳовуз қурилади ва кўчатларни томчилатиб суғориш йўлга қўйилади. Шу билан бирга, қатор ора-ларига тўқсонбости экинлар, боғ атрофига терак кўчатлари экилади.

Дарахтни сувга яқин жойга экишни истаймиз. Чунки сувсиз кўчат

унмайди. Сув хўжалиги тизимида эса дарахт кўчатириш учун имкониятлар бисёр. Барча ҳудудларда сув хўжалиги ташкилотлари тасаруфидида канал, ариқ ва зовурлар ёқалари, ҳимоя минтақаларида кўчат экишга шариот бор. Яна бир жиҳатни эътиборга олиш керак. Сувчилар азалдан сув бўйларига кўчат экиб келган. Бунинг учун улар кўчатни ўзлари кўпайтирган. Деярли барча сув хўжалиги ташкилотларида кўчатхоналар бор. Шу сабабли лойиҳа доирасида сувчилар ички имкониятнинг ишга солмақда.

### Янги экилган дарахтларни суғориш тизими

Юқорида айтиб ўтганимиздек, кўчатни экиб қўйиш билан иш битмайди. Умид билан ерга қадалган ҳар бир ниҳол авж олиб ўсиши, дарахтга айланиши учун унга доимий парвариш, энг муҳими, суғориш тизими керак.

Президентимиз шу йил 11 август кунини “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси ишлари жойларда ўз ҳолига ташлаб қўйилганини танқид қилиб, кўчатлар суғориш тизими йўқ ҳудудларга экилгани сабабли 10 миллиондан ортиқ янги экилган ниҳол нобуд бўлганини ачиниб гапирди. Дарахт-бута ўсимликлари илдиз тизими атрофида доира шлангалар ёрдамида суғориш усули мавжуд. Бундай усул кўчатларга сарфланадиган сув микдори ҳамда муддатини бир неча мартаба қисқартиришига имкон яратади. Усимликларни автоматик суғоришда доира шаклидаги диаметр 1,5 миллиметр шлангалардан фойдаланилади. Тупроқни намлантириш учун сарфланадиган сув микдори ўсимлик илдизининг чуқурлигига боғлиқ. Бунда ёш кўчатларни суғориш



**“ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БўСТОНЛИҚ ТУМАНИДАГИ ТОҒЛИ ҒИЖОЛ ҚИШЛОҒИДАН СУВ ХўЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИГА 42 ГЕКТАР ЕР МАЙДОНИ АЖРАТИЛГАН. СУВЧИЛАР БУ ЕРДА 21,5 МИНГ ТУП БОДОМ КўЧАТИ ЭКИБ, “СУВЧИЛАР БОҒИ” БУНЁД ЭТИШНИ БОШЛАБ ЮБОРДИ. ШУ МУНОСАБАТ БИЛАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ҲАШАРДА ВАЗИРЛИК МАРКАЗИЙ АППАРАТИ, ТИЗИМ ТАШКИЛОТЛАРИ БИЛАН БИР ҚАТОРДА, ИРРИГАЦИЯ ВА СУВ МУАММОЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ОЛИМ ВА МУТАХАССИСЛАРИ ҲАМ ФАОЛ ҚАТНАШДИ.**

учин кўчат айланасидаги ҳар бир квадрат метрга 40 литр, 5 ёшдан катта кўчатларга 60 литр, 10 ёшдан катталарига эса 40 литр сув сарфланади. Кўчатларни суғориш давомийлиги ва сув сарфи микдори тупроқнинг механик таркибига ҳам боғлиқ. Агар тупроқ кўмоқ бўлса, ҳар бир суғоришда сув микдорини камайтириб, тез-тез суғориш талаб этилади.

### Янги экилган кўчатларни суғориш давомийлиги ва микдори уларни парвариш ва шу асосда сақлаб қолиш куйидаги тартибда амалга оширилади:

- бўйи 3 метрдан юқори кўчатлар экилганда, бир сотих ер майдонига 85 литр сув сарфланиб, 5-7 кун давомида суғорилади. Қўлда бир сотих ерни суғориш вақти 30 дақиқа ва автомат усулда 6 дақиқани ташкил қилади;
- бўйи 1 метргача бўлган буталар экилганда, ҳар бир сотих ерга 2 литр сув сарфланиб, 1-2 кун давомида суғорилади. Бу қўлда 15 дақиқа, автомат усулда эса 3 дақиқани ташкил қилади;
- бўйи 1,5 метргача бўлган буталар учун эса сотихига 6 литр сув сарфланиб, 1-2 кун суғорилади.

Баъзида сувсизлик туфайли ердан нам қочиб, экилган дарахтларнинг нобуд бўлишига гувоҳ бўламиз. Дехқончиликда гидрогель номли аниқланган. Ҳозирги вақтда гидрогель ва унинг фойдали хусусиятлари ҳақида тўлиқ маълумотлар кам.

Гидрогель — ўзига нам тортувчи, юқори бўқувчанлик хусусиятига эга синтетик полимер восита ҳисобланади. У тупроқ таркибига кўп микдордаги намликни узоқ вақт давомида сақлаш имконини беради.

Ҳозирги вақтда олимларимиз томонидан республикамиз тупроқ-иқлим шариотида мос гидрогелларни айнан дарахт ва буталарни экишда тўлиқ фойдаланиш бўйича тадқиқотлар ўтказилмоқда.

### Лойиҳа бажарилишида илм-фан ва амалиёт узвийлиги

Давлатимиз раҳбари “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Фанлар академияси, тупроқшунослик ва ўрмончилик йўналишидаги ва бошқа институтлар олим ва мутахассислари иштирокида Республика штаби тузиб, қачон, қаерда ва қанча микдорда кўчатларни ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шариотида мос эклишини таъминлаш, суғориш тизимини йўлга қўйиш, кўчатларни тўғри парвариш қилиш каби вазифаларни белгилаб берганди.

Маълумки, Сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти дренаж қурилмалари, сув муаммолари, суғорма деҳқончилик, мелиорация ва тупроқ заҳланishi, шўрланиши каби бир қатор масалаларни ўрганиб, бугунги тупроқ-иқлим шариотида қурғоқчиликнинг олдини олишда ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил этиштиришда илмий асосланган ҳуласалар, тавсиянома ва қўлланмалар бериш бўйича ягона илмий маскан ҳисобланади.

Бугунги кунда институтимизда олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари режаси қаторида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида экилаётган манзарали ва мевали дарахт кўчатлари учун илмий асосланган суғориш тизимини ишлаб чиқиш бўйича лойиҳавий тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Институт олим ва мутахассислари томонидан ҳудудларда экилаётган дарахт кўчатлари, буталарни суғоришнинг илмий асосланган тизимини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш бўйича тайёрланган ушбу илмий-амалий лойиҳа айнан юқоридаги муаммолар ечимига қаратилган.

Ўтказилган тадқиқот натижаларига асосан, энг биринчи навбатда, ҳудудларнинг иқлим шариотида мос, ерларнинг шўрланиш, ботқоқланиш даражасини пасайтиришга мойил дарахт ва буталар танлаб олиниб, уларни экиш, кўпайтириш ҳамда ўсиб ривожланишини таъминловчи илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилади.

Электр энергияси ва сув ресурслари тақчил ҳудудларда дарахт ва буталарни суғоришда томчилатиб суғориш тизими жорий қилинади. Бундай жойлардаги магистраль йўл четларида қўйиб панеллардан фойдаланиб, артезиан қудуқларни ишга тушириш, томчилатиб суғориш тизимини тақомиллаштириб, онлайн тизимда бошқарилишини таъминлаш бўйича тавсияномалар тайёрланади.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси бажарилишини таъминлашда фаолият курсатаётган қатор вазирлик ва идораларнинг мутахассислари билан биргаликда ушбу илмий тадқиқот ишлари мақсадида лойиҳа йўналишида амалга оширилиши мақсада мувофиқ. Тошкент давлат аграр университети ва Халқаро қишлоқ хўжалиги университети олим ва мутахассислари билан ҳамкорликда манзарали дарахт ва буталарни суғоришда илгор, замонавий технологияларни жорий қилиш ҳам зарур. Бу масалада фақат бугун эмас, яқин ва узоқ келажакни ўйлаб иш тутмасак, кўзланган мақсадимизга эриша олмаймиз.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофазаси қилиш, айниқса, дарахт экишга қаратилган умуммиллий лойиҳани амалга ошириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилгани бежиз эмас. Айтиш жоизки, мамлакатимиз ва бутун дунёдаги вазият экологик муаммоларга мана шундай тизимли ёндашувни тақозо этмоқда.





ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

# ЛОЙИХАЛАР ФАБРИКАСИ

ТАДБИРКОР ЁШЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТЕЗДА ЙЎЛГА ҚЎЙИБ, ЭКСПОРТНИ РАҒБАТЛАНТИРИШГА ИМКОН ЯРАТАДИ

Бошланғич 1-бетда

Президентимизнинг 2021 йил 21 апрелдаги “Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари фаолиятини ташкил этиш ҳамда ёшларнинг тадбиркорликка оид ташаббусларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари устувор замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаси лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилиши белгиланган. Мазкур ҳудудлардан бино харид қилиш, усуналар олиб келиш ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун ҳам жамғарма томонидан имтиёзли кредитлар ажратилади. Бундай имконият тадбиркор ёшларнинг тезда оёққа туриб олиши ва экспортни кўзлаб иш туттишига имконият яратади.

## Катта имконият — катта масъулият

Давлатимиз раҳбари жорий йил 16-17 ноябрь кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида мазкур саноат зонасида ҳам бўлиб, ҳудудда жойлаштирилган корхоналар фаолияти билан танишиб, у ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни кўздан кечирди.

— Президентимиз саноат зоналарини вилоятнинг ҳар бир туманида очиб, маҳаллаларда хунармандлик, касаначиликни кенгайтириш зарурлигини таъкидлади, — дейди Б.Ортиқов. — Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун 50 миллион доллар ажратиб буйича тақдир қилиб қўйилган бўлиб, 1250 янги иш ўрни очиб режалаштирилган.

Маълумотларга кўра, вилоятда 52 та кичик ва ёшлар саноат зонаси бор. Уларда 446 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Ёшлар саноат зоналарида 221 лойиҳа жойлаштирилган бўлиб, 1250 янги иш ўрни очиб режалаштирилган.

Бундай ҳудудларда ёшларга ўз инновацион ишланмаларини ишлаб чиқариш жараёнига жорий этиш ва натижасини тижоратлаштириш, йирик



саноат корхоналари билан кооперация алоқаларини ўрнатиш борасида амалий ёрдам кўрсатилади. Қолаверса, банд бўлмаган, шу жумладан, “Ёшлар дафтари”га киритилганлар иш билан таъминланиб, ижтимоий-иқтисодий фаоллиги оширилади. Мана шундай имкониятлар, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, саноат зоналарини туманлар учун тайёр “лоийҳалар фабрикаси”га айлантиради. Саноат зонасида ташаббускорлар маҳсулотини ички бозорга етказиб бериш билан бирга, экспортга ҳам йўналтирилади.

## “Имтиёзлар бизни рағбатлантирди”

— Ҳар бир соҳа ёки тармоқ ривожини бозор талаби, истеъмолчи эҳтиёжи белгилайди, — дейди “Ибрагимов оптик баликлари” оливалей корхонаси раҳбари Бекмурод Ибрагимов. — Электротехника саноатини энг зарур ва тез ривожланиётган соҳалар қаторига қўйиш мумкин. Боиси, биз ҳар кунни фойдаланадиган маиший техника, йирик саноат ишланмаларига талаб соат сайин ўсиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, бозорларимизни шу турдаги сифатли ва арзон миллий маҳсулотлар билан тўйинтиришга имкон яратади. “Тинчлик” ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонаси ҳудудига қуёш панеллари ва электр тақсимлагич йиғиш лойиҳасини

жойлаштирди. Унинг қиймати 4,4 миллиард сўм. Иллик ишлаб чиқариш ҳажми 2,6 миллиард сўмини ташкил қилади. Аввалига катта лойиҳага қўл уришга кўрқдик. Аммо имтиёзлар бизни рағбатлантирди.

Саноат зонасига жойлаштирилган лойиҳаларнинг аксарияти қурилиш материаллари ва мебель ишлаб чиқаришни кўзда тутди. Шунингдек, кимё ва қоғоз, фармацевтика, озиқ-овқат, тўқимачилик саноатига тегишли лойиҳалар ҳам шакллантирилмоқда.

— Бугун барча туман ва шаҳарларда кенг қўллашга қўриқилган бунёдкорлик ишлари олиб борилаётганда, — дейди “Кўкун Термиз вентс” МЧЖ раҳбари Асадбек Мансуров. — Сифатли қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, турларини кенгайтириш, ички бозорни импорт ўрнини босувчи ва рақобатбардош қурилиш материаллари билан тўлдириб тадбиркорлар олдида турган муҳим вазифа. Бу турдаги ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, аввало, аҳоли учун катта фойда, боиси, маҳсулот нархи арзонлашади. Қолаверса, бу давлат иқтисодидега катта фойда келтириши билан ҳам аҳамиятли. Ҳудуддаги маҳсулоти металлга ишлов бериш лойиҳасини жойлаштирди. Бу жараёнда бизга банк кредити кўмак бўлди. Иллик ишлаб чиқариш қуввати 0,8 миллиард сўм бўлган лойиҳа доирасида йигирмадан зиёд иш ўрни яратилди.

## Истиқболли лойиҳаларни жойлаштириш биринчи галдаги вазифа

Маълумотларга кўра, соҳани қўллаб-қувватлашга қаратилган ислоҳотлар босиб, қисқа вақт ичида мамлакатимизда 210 та ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонаси ташкил этилди. Уларда 2272 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, қиймати 2,1 триллион сўмлик 911 лойиҳа доирасида 21 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилгани бу борадаги саяё-ҳаракатларнинг қай даражада самарали ва муҳим эканини аниқлатади. Бундай мажмуалар жойлардаги бўш турган, фойдаланилмаётган бино-иншоотлар ёки ер участкалари негизда барпо этилиб, экспортбон, импорт ўрнини босувчи истиқболли лойиҳаларни жойлаштириш биринчи галдаги вазифа саналади.

Мутасаддиларнинг таъкидлашича, лойиҳа Ёшлар саноат зоналари ҳудудида жойлаштирилиши учун қатор талабларга жавоб бериши лозим. Хусусан, патент асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни таъминловчи стартап инвестиция лойиҳалари, инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган лойиҳалар бу борада устулликка эга бўлади. Шунингдек, импорт ўрнини босадиган ва экспортга йўналтирилган рақобатбардош маҳаллий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни назарда тутувчи инвестиция лойиҳаларига ҳам талаб юқори. Яратилмайдиган янги иш ўринларининг камида 70 фоизи ёшлар учун мўлжалланган бўлиши, бандлиги таъминланмаган, “Ёшлар дафтари”га киритилганлари иш билан таъминланиши назарда тутовчи инвестиция лойиҳалари бўлиши ҳам энг дастлабки талаблар сирасига қиради.

Соҳа ривожини имкониятлар етарли. Аммо бажарилгани лозим бўлган вазифалар ҳам катта билим ва салоҳият талаб қилади. Шу нуқтага назардан, ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари бизнес оламига эндигина кириб келаётган тадбиркорларнинг лойиҳаларини рўёбга чиқаришда муҳим восита бўлиши шубҳасиз.

Феруза ЖҲРАЕВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

ЮКСАЛИШ ПАЛЛАСИ

# ТАЪТИЛДА ХАМ ЎҚИГАН ЁШЛАР

Буюк Британияга таълим саёҳатига жўнаб кетди

Жаҳон ҳамжамиятига интеграция жараёнида, дунё меҳнат бозорига дадил ва фаол кириб борилаётган паллада хорижий тиллар буйича билим ва кўникмага эга бўлишни даврнинг ўзи тақозо этаётир. Шу боис, бугунги кунда она тили қаторида бир неча чет тилларни билиш зарурати юзага келаётгани табиий ҳол.

Хорижий тилларни ўргатишни таълим сиёсатининг устувор йўналиши сифатида ривожлантиришга қаратилган ушбу эътибор замирида дунё меҳнат бозорига рақобатбардош, ҳар томонлама етуқ кадрлар тайёрлашдек эзгу мақсад ифода қилинган. Президентимизнинг “Хорижий тилларни ўқитиш буйича энг яхши мактаб” танлови ташкил этилгани ана шу эзгу мақсад рўёби йўлидаги хайрли тадбирлардан бири.

Жорий йилда танловнинг туман (шаҳар) босқичида 34 минг 375 ўқувчи (6 минг 885 та мактабдан) иштирок этган. Қатнашчиларнинг 32 минг 505 нафари инглиз, 1015 нафари немис, 905 нафари француз тили буйича билим ва кўникмасини намоян этди.

Биринчи босқич якунига кўра, 208 та мактаб танловнинг иккинчи босқичига тавсия этилди. Беллашувларда хорижий тилни билиш даражасини аниқлашга қаратилган топшириқлар умумтаълим мактабларининг 7-9-синф ўқувчилари учун мўлжалланган. Тест топшириқлари иштирокчиларнинг мулоқот кўникмаларини босқичма-босқич ривожлантиришга хизмат қилди.

Мусобақанинг республика босқичида ҳар бир ҳудуддан биттадан, жами 14 мактаб ва 70 ўқувчи иштирок этди. Ушбу босқичда Буюк Британиянинг “Cambridge Assessment English” ташиқотида тегишли “Linguaskill” халқаро тести воситасида иштирокчиларнинг тинглаб тушуниш, ёзиш, сўзлаш ва ўқиш кўникмалари синовдан ўтказилди. Қуни кеча иштирокчи 70 ўқувчи 14 устози билан Буюк Британияга таълим саёҳатига жўнаб кетди.

— “Янги Ўзбекистон мактаб оstonасидан бошланади” концептуал ғоясини амалда таъбиқ этиш учун барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва керакли шарт-шароитлар яратилди, — дейди мактабгача ва мактаб таълими вазири

бу йил ғолиблик насиб этди. Албатта, бу жуда ҳаяжонли ва фахрли. Ўқувчилар камолини кўриш, меҳнати зое кетмагани ишонч ҳосил қилиш кишига ифтихор бағишлайди. Икки ўқувчи IELTS синовидан 7,5 балл олган. Қолганлари ҳам билимли, заковатли. Доим инглиз тилида гапиради, ўз устида мунтазам ишлайди. Қўшимча адабиётлар ўқийди, ўрганади. Ёзда, таътил пайтида ҳам дам олмадик ва кўлга киритган натижамиз бизга Буюк Британияга саёҳат қилиш имконини берди.

Хорижий тилларни ўрганиш — бугунги тараққиётнинг бош талабларидан. Глобаллашув замонида камида иккита тил билиш зарур. Бугун ёшларимиз она тилини юксак даражада билиши бораборида дунёнинг ривожланган давлатлари тилини ўрганиши, ўша ердаги маълумот, янгилик, илмий ахборотлардан кенгрок фойдаланиши лозим.

— “Езиш кўникмаси буйича энг яхши ўқувчи” номинациясида ғолиб бўлдим. Бунга осонликка эришмадим. Жуда қаттиқ меҳнат қилдик ва якунда ана шу меҳнатимизнинг натижасини кўрдик. Бундан жуда хурсандман, — дейди Бухоро туманидаги 1-мактаб ўқувчиси Шахриёр Сулаймонов. — Эришган муваффақиятим ортда, албатта, катта меҳнат ётибди. Мунтазам иншо ёздик. Машқларга эътибор қаратдик. Иншо ёзишни машқ қилганимиз катта ёрдам берди. Рақобатчиларим жуда кучли эди. Улар ҳам тайёргарлик кўрган. Биз имтиҳон муҳитидан ташқарида дўст эдик. Имтиҳон залига қарагандан кейин рақобатчига айландик. Бу соғлом рақобат ҳаммамизнинг ўсишимизга ёрдам беради, деб ўйлайман. Тил ўрганиш одамнинг дунёқарашини кенгайтиради. Айниқса, халқаро тилларни ўрганиш билан қўллаб-қувватлашга йўл толашимиз. Чунки интернетдаги маълумотларнинг яримдан кўпи инглиз ва рус тилларида.

ТАДҚИКОТ

# Нейропсихологингвистика: БОЛАЛАР НУТҚИ, ЎҚИШИ ВА ЁЗИШИДАГИ МУАММОЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛАДИ



Зухро АКБАРОВА, филология фанлари доктори, лойиҳа раҳбари

Нейропсихологингвистика деб номланган илмий-амалий йўналиши тил ва миянинг қандай боғланганини тадқиқ этади, неврология усуллари билан лингвистик тестлардан фойдаланиб тахислаш асосида миянинг турли патологиялари, нутқнинг мия шикастланиши натижасида шаклланган бузилиши билан боғлиқ муаммолар ва умумий когнитив жараёнлар ўртасидаги боғлиқликни ўрганади.

Кичик ёшдаги болалар ўқиш ва ўрганишидаги нутқ патологияси, дислексия (ўқиш жараёнининг қисман ўзгачарок тарзда бузилиш ҳолатлари), дисграфия (ёзув жараёнининг психофизиологик қурилиши билан боғлиқ бузилиши) каби муаммолар борасида шу кунга қадар республикамизда алоҳида илмий тадқиқот ишлари қилинмаган. Ҳолбуки, бошланғич синф ёшидаги болаларнинг ёшига нисбатан когнитив ривожланишдан ортда қолиш ҳолатлари кўп учрайди ва бу каби муаммолар нейролингвистиканинг диққат марказида туради.



Фаргона давлат университетининг “Ўзбекистонда инклюзив таълим” лойиҳаси кичик ёшдаги болаларда ҳиссий, ақлий ва нутқий ривожланишдаги нотекисликларни аниқлаш, бартараф этиш масаласини тадқиқ этиш ва амалий ҳулосалар чиқариш имкониятини беради. Тадқиқот доирасида ўтказилаётган тажрибалар болалардаги нейроранг-баранглик доимий кузатиш ва таҳлилларга муҳтож эканини кўрсатмоқда.

Лойиҳадан қутилаётган натижалар мактабгача ёшдаги болалар ва бошланғич синф ўқувчилари, ота-оналар, изланувчилар, тарбиячилар, мактаб ўқитувчиларидан иборат минглаб истеъмолчилар учун зарур. Бу ерда “UzNeuroLing” илмий-тадқиқот рақамли платформаси яратилади. Мазкур платформада бу йўналишдаги тадқиқотлар, илмий мақолалар, инклюзив таълим янгиликлари, нейропсихологингвистик тахислашга доир статистик маълумотлар каби фойдали ресурслар акс эттирилади. Шунингдек, платформага жойланган лингвистик тестлар асосида респондент болалардаги нутқий нуқсонларни тахислаш имкониятига эга бўлади. Иштирокчиларнинг онлайн тадқиқотга жалб этиш ҳамда болаларда кузатиладиган энгил бузилишлар буйича ота-оналарга маслаҳат бериш,

ўзгаришлар динамикасини мунтазам назорат қилишга имконият яратади. Лойиҳа доирасида кузатувга олинган болалардаги ҳиссий, ақлий ҳолатлар ва уларнинг нутқига оид ўзгаришлар, ота-оналар назоратида бажарилгани зарур бўлган топшириқ ва амалий машқлар ҳам айнан платформага жойланади. Онлайн фойдаланувчиларнинг фикр ва тақлифлари алоҳида ўрганилади, ҳулосалар умумлаштириб борилади. “UzNeuroLing” илмий-тадқиқот маркази фаолиятини йўлга қўйиш орқали бошланғич синфларда таълим олувчи ўқувчиларда нуқсонсиз нутқий компетенцияни шакллантириш, ўқиш ва ёзиш кўникмаларини ўзлаштириш билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш ҳамда миллий нейропсихологингвистик тахислаш методикасини яратиш каби муҳим вазифалар ҳал этилиши кўзда тутилмоқда. Платфор-

мага юкланган топшириқлар дарсдан ташқари вақтларда мавжуд муаммоларни бартараф этишда қўл келади. Нутқидан нуқсон бор, ўқиш ва ёзишда муаммога дуч келаётган болалар учун махсус дастурлар — лингвистик тестлар ишлаб чиқилади. Илмий-амалий анжуманлар ўтказиш орқали назарий натижалар олинади, ишлаб чиқилган лингвистик тестлар ва амалий дастурлар тижоратлаштирилади.

Илмий-тадқиқот маркази фаолияти давомида нейролингвистиканинг назарий ва амалий масалалари кўриб чиқилади. Бундан ташқари, нейролингвистик жараёнларни кузатиш доирасида турли ёшдаги болаларга хос бўлган ақлий оғиш ҳолатлари билан боғлиқ маълумотлар статистикаси шакллантирилади. “Дислексия ва дисграфияга нейропсихологингвистик ёндашув” ўқув курси дастури ишлаб чиқилади ва бакалаврият талабаларини тайёрлаш тизимига киритилади.

Лингвистик, нейрофизиологик ва психологик каби уч босқичда олиб борилган тадқиқотлар натижасида болаларда аниқланган мия фаоллашуви ва нутқ бузилиши муаммоларини бартараф этиш учун нутқ терапияси методикаси ишлаб чиқилади. Илмий изланишлар ва кузатишлар натижаси сифатида “Нейропсихологингвистик тахислаш амалиёти” номли методик қўлланма яратилиши режалаштирилган.

Бугунга қадар бу каби психофизиологик ҳолатларни эрта тахислаш амалиёти ва уни бартараф этиш юзасидан кўрсатма ва тавсиялар, методик ишланмалар амалга оширилмагани, нутқни идорқ этиш бузилишлари билан боғлиқ ҳолатларни ўзбек амалий тилшунослигида лингвистика ва методик жиҳатдан етарли тадқиқ этилмагани эътиборга олинса, “Ўзбекистонда инклюзив таълим” лойиҳаси ва унинг доирасида ишлаб чиқилаётган кенг қамровли нейропсихологингвистик тахис методикаси соҳадаги бўлиқларни тўлдирishi, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни камолга етказишга кўмак беришни назарда тутди.



маслаҳатчиси Азизбек Турдиев. — “Хорижий тилларни ўқитиш буйича энг яхши мактаб” ана шундай эзгу саяё-ҳаракатларга мисолдир. Ҳар йили мана шу танлов иштирокчилари Буюк Британияга таълим саёҳатига юборилади. Улар хорижлик тенгдошлари билан суҳбатлашади, у ердаги таълим тизими билан танишади. Бу аънаъна бизга аждоқларимизда турли ёшдаги болаларга хос бўлган ақлий оғиш ҳолатлари билан боғлиқ маълумотлар статистикаси шакллантирилади. “Дислексия ва дисграфияга нейропсихологингвистик ёндашув” ўқув курси дастури ишлаб чиқилади ва бакалаврият талабаларини тайёрлаш тизимига киритилади.

Лингвистик, нейрофизиологик ва психологик каби уч босқичда олиб борилган тадқиқотлар натижасида болаларда аниқланган мия фаоллашуви ва нутқ бузилиши муаммоларини бартараф этиш учун нутқ терапияси методикаси ишлаб чиқилади. Илмий изланишлар ва кузатишлар натижаси сифатида “Нейропсихологингвистик тахислаш амалиёти” номли методик қўлланма яратилиши режалаштирилган.

Бугун чет тилларда эркин сўзлашаётган, фикрини баён этаётган ёшларни кўриб Аваз Утарнинг “Ҳар тилни билув эмиби била одами жондор”, деган мисралари ёдга тушади. “Тил билган — эл билди”, дейди доно халқимиз. Ёшларнинг хорижий тилларни ўрганишига қизиқиши ва интилиши, бу борада эришаётган муваффақияти замирида юртимизда яратилган шарт-шароит катта аҳамият касб этмоқда. Бугун қанот ёзиб, энг чека қишлоқларгача етиб борган танлов ҳаяжони эртага жаҳон миқёсида бўйлашадиган кадрларнинг камол топишига хизмат қилиши мўқаррар.

Республика босқичида иштирок этган 70 ўқувчи ва 14 ўқитувчи бир ҳафта давомида Буюк Британияга таълим саёҳатида бўлади. Улар инглиз таълим жараёни, жумладан, “Ардмор” тил ўқитиш мактаби, Кембриж, Оксфорд университетлари фаолияти билан яқиндан танишади, Кембриж, Лондон, Виндзор, Оксфорд шаҳарлари, Темза дарёси бўйлаб саёҳат қилади. Инглиз тенгдошлари билан ўтказиладиган турли учрашувлар, Буюк Британия маданияти ва тарихи билан боғлиқ тадбирларда иштирок этади.

— Лондон шаҳрига йўл оларканмиз, ҳиссиётимни сўз билан ифодалаб беролмайман, — дейди Жиззах шаҳридаги 1-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси Мадина Машарипова. — Буюк Британия таълим тизими, маданияти билан танишамиз. Шу билан бирга, мамлакатимиз тарихи, бугунги, айна пайтда таълимга берилаётган эътибор, ёшларимиз салохияти ва эришаётган ютуқлари ҳақида қалтга бўламан. Ўзбекистонга қайтган, билимимизни бошқалар билан бўлишига ҳаракат қиламиз.

Бугун чет тилларда эркин сўзлашаётган, фикрини баён этаётган ёшларни кўриб Аваз Утарнинг “Ҳар тилни билув эмиби била одами жондор”, деган мисралари ёдга тушади. “Тил билган — эл билди”, дейди доно халқимиз. Ёшларнинг хорижий тилларни ўрганишига қизиқиши ва интилиши, бу борада эришаётган муваффақияти замирида юртимизда яратилган шарт-шароит катта аҳамият касб этмоқда. Бугун қанот ёзиб, энг чека қишлоқларгача етиб борган танлов ҳаяжони эртага жаҳон миқёсида бўйлашадиган кадрларнинг камол топишига хизмат қилиши мўқаррар.

Рисолат МАДИЕВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири



ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ

Келгусида чуқур билимли имом-хатиблар, исломшунос мутахассислар, уламолар тайёрлашда, энг муҳими, фарзандларимизни буюк аждодларимизнинг бебаҳо мероси руҳида, соғлом эътиқод руҳида тарбиялашда бу илм даргоҳлари таянч бўлиб хизмат қилади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти

ШАРҚУ ҒАРБНИ ЁРИТГАН зинэ маскани

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 10-11 март кунлари Бухоро вилоятига ташрифи чоғида, Мир Араб олий мадрасасини ташкил қилиш юзасидан айтган ушбу сўзлари ва бу борада берган кўрсатма ва топшириқлари тез фурсатда ҳаётга татбиқ этилди. Мадрасанинг олий таълим муассасаси макомига кўтарилиши эса кўхна таълим даргоҳи нуфузининг янада юксалиши, жозибали ва кўркам кўринишга эга бўлишига замин яратди. Биз ушбу мақолани тайёрлаш жараёнида соҳа мутахассислари билан суҳбатлашиб, етти иқлимга машҳур мадрасанинг тарихи, номлини, унда таълим олган алломалар ва бугунги кунда олий мадраса макomini олган кўхна билим даргоҳи ҳақидаги маълумотлар билан қизиқдик.

Ушбу даргоҳда таълим олган битирувчилар, ўз мамлакатларида дин соҳасида обрў-эътиборга эга бўлиб, юзлаб фозиллар ўз миллатлари фахру ифтихорига айланган. Айниқса, Шаҳобуддин Маржоний, Галимжон Борудий, Муса Бигиев, Садриддин Айний, Абдуллажон Калонзода, Олимхонтура ва Алихонтура Соғунийлар, Мунаввар қори Абдурашид-хонов, Абдурауф Фитрат, Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон ҳазратлари, Оллошукур Пошозода, Талгат Тождидин, Аҳмад Қодиров каби муътабар уламолар маъруз мадрасада тахсил олган.

Сайид Абдуллоҳ аслида ким бўлган?

XVI асрда ташкил этилган Мир Араб мадрасаси ислом олами дунёсида катта нуфузга эга бўлган. Мадрасадан етишиб чиққан буюк алломалар ўзларидан нодир ва ноёб асарлар мерос қилиб қолдирган. Манбаларда ёзилишича, мадрасага асос солган Мир Араб нақшбандия тарикатининг улуг пир муридиди, соҳибқаромат авлиё, улкан тарбиячи бўлган.

— Мир Арабнинг асл исми Сайид Абдуллоҳ Яманий бўлган. Яманининг Хадрамавт деган жойида, тахминан 1461 йилда подшоҳ оиласида туғилган. Сайид Абдуллоҳни “Мир Араб” дейишларига сабаб, у кишининг миллати, амриги ва туғилган жойига ишорадир. Сайид Абдуллоҳ Аллоҳга бўлган муҳаббати ошиб, илм ўрганиши учун тожу тахтдан воз кечиб, 22 ёшида Самарқандга йўл олади. — дейди Мир Араб ўрта махсус ислом билим юрти мудири Жалолоддин Сабуров.

Самарқанднинг Хўжа Кафшир гузариде Хўжа Аҳрор Валийга йўлиқиб, у кишига шоғирдликка тушади. Илм ўрганиб, қисқа муддатда устозидан иршоод хати олиб, пир даражасига етишади ва Бухоро амири Убайдуллоҳнинг пир бўлади. Мир Араб 1530 йил Бухорода мадраса қурдиришга жазм қилади. Мадрасанинг меъмори тузилиши Мир Арабнинг тушида зоҳир бўлган. Уйқусида қўрган қошона тасвирини

қурувчи-усталарга сўзлаб бериб, қиёмат қойим бўлгунга қадар илму маърифат зиёсини таркатадиган мадраса бунёд этмоқчи бўюрган. Қўлигул усталар бунчи қиёматга етказиб бажарган. Мадраса Бухоро хони Убайдуллоҳнинг инъом этган маблағ ҳамда кўплаб вақф мулклари ҳисобига қурдирилган.

Бундан ташқари, у Шофиркон, Вобкент, Ғиждувонда ариқлар қаздириб, катта-катта боғлар барпо эттиради. Аммо мадраса қурилиши тугамай вафот этади. Алломанинг сағаналари мадрасага кириш қисмида жойлашган катта гумбаз остига қўйилган. Унинг васиятига қура, қувви Шайх Закариё қурилиши охирига етказган. Мир Арабнинг оёқлари томонида ўз васиятига биноан Амир Убайдуллоҳнинг ақинлари ҳам дафн этилган. Шундан сўнг Бухоро шаҳридаги Мир Араб мадрасаси Сайид Абдуллоҳ “Мир Араб” номи билан атала бошланган.

Ислом маънавий цивилизацияси уммони

Дарҳақиқат, Бухородаги Мир Араб мадрасасини Ислом маънавий цивилизациясига қўшган ҳиссасини уммонга қисқаш мумкин. Ушбу уммон тубига тереңроқ назар солсак, жуда кўпга ирфоний дуру марваридларни кашф этиб бораверамиз.

— Мир Араб мадрасаси шонли тарихининг янги давридан ҳозирги кунгача миңдан ортиқ малакали диний ходимлар, кўплаб муфтий, уламолар ва бугунги кунда фаолият юритаётган имом-хатиблар таълим олган. Мадрасанинг олий таълим муассасаси макомига кўтарилиши эса нафақат юртимиз, балки чет мамлакатларда ҳам алоҳида бир воқелик сифатида қайд этилди. — дейди Мир Араб олий мадрасаси ректори Жобир Элов.

— Шу йилнинг февраль ойида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг мадрасамизга ташрифи, ўқитувчилар ва талабалар билан дилдан суҳбат қилиш жамоамизга кўш қанот бағишлади. Айниқса, мадрасада, диний таълим соатлари ва сифатини ислоҳ қилиш, уни амалиёт билан боғлаш бўйича берган алоҳида фикрлари барчамизга бирдай манзур бўлди. Давлатимиз раҳба-



рининг “Мадраса мусулмон дунёси уламолари, мактабдор, мудarris, қозилар, масжид имомлари ва турли даражадаги давлат амалдорлари тайёрлайдиган ўқув юртидир”, деган сўзлари бу таълим муассасасининг нечоғлиқ нуфузи билан эканлигига яна бир ишорадир. Бугунги кунда Мир Араб олий мадрасаси ҳузурида “Тасаввуф илми мактаби” ҳам ташкил этилган. 200 ўринга мўлжалланган олий мадрасада Қуръони карим, ҳадис, фиҳр ва тасаввуф илмлари, хорижий тиллар пухта ўргатилади. Талабаларнинг илм олиш ва яшаши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Компьютер хонаси, фан кабинетлари, мадраса кутубхонасида сақланаётган қадимий бой маданият ва маънавий меросимиз ҳисобланган кўлемга ва тошбосма китоблар ёшларга хизмат қилади. Бундан ташқари, феолазар зали, талабалар ётоқхонаси, хизмат уйи, спорт зал ва бассейнда ҳам барча қулайликлар яратилган.

Хозирги кунга келиб, мадрасада 4 йил давомида диний фанлар билан бирга, умумтаълим фанлари ҳам ўқитилади. Айни пайтда 30 нафар олий маълумотли ва малакали ўқитувчи-мударрис 100 дан ортиқ талабага дарс бериб келмоқда. Олис вилоят ва туманлардан келган талабалар ётоқхона билан таъминланган. Мадрасани

битирганларга исломшунос, имом-хатиб ва араб тили ўқитувчиси мутахассислиги бўйича шаҳодатнома берилади.

Тилла кошнлар яратган макроиклим сири

— Мир Араб мадрасаси 1530-1536 йиллар давомида қурилган бўлиб, шаҳар марказида жойлашган. Бино икки улкан гумбаз билан бошқа тарихий бинолардан ажралиб туради. Мадрасанинг кириш қисми кўнбатар томонда. Шимоллий ва жанубий пештоқлари баланд қилиб қурилган. Бу шимол билан жанубдан эсадиган шамолдан сақлаш ҳамда мадраса ҳавосини тозалаш туриш имконини беради, — дейди Мир Араб олий мадрасаси ўқитувчиси Асадулла Нажмиддинов. — Пештоқларнинг баландлиги тахминан ўттиз икки метр. Ғарбий ва шарқий томонда жойлашган пештоқлар пастроқ қурилган. Буларнинг ҳаммаси бино ичиде ўзига хос микроклим яратди. Дарвоза улкан пештоқ остида жойлашган. Бино тўрт қаватдан иборат. Хужраларни тўртта улкан пештоқ ажратиб туради. Мадрасанинг меъморий шакли турбурҷуқ — Қуръон китобини эслатади. Хужраларнинг 114 талиги эса Қуръон суралари сонига мос келади. Кўхна ва кўркам

мадрасанинг шимоллий гумбазини ярим кошн билан қопланган, жанубий гумбаз эса безатилмаган. Кошнларга кам миқдорда тилла, қумуш, мис, қурғошн қўшилган. Буларнинг кўп йиллар хизмат қила оладиган ҳамда сифатлиги билан ажралиб турадиган кварц қумига аралаштириб ишлатилган. Мадрасага хашаматли баланд пештоқдан кирилган. Бир вақтлар пештоқлар жуда баланд бўлган. Ривоятларга қура, мадраса асоси чуқур қилиниб, тоғ тошлари билан мустаҳкамланган, қор, ёмғир сувини қочириб учун тазарлар ишланган, улар орқали сувлар шаҳар қўргонидан ташқарига чиқарилган.

Хорижлик олимлар жалб этилмоқда

Мир Араб мадрасаси ўз кўрку сапобати намоён этиб, йилнинг тўрт фаслида ҳам маҳаллий ва хорижлик сайёҳлар билан гаважум. Яна шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш кераки, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг амалий ёрдами билан кўхна ўқув даргоҳида ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланиб бормоқда.

Мисрининг дунёга машҳур Ал-Азхар университети, Мадинадаги Ислам университети, Тошкент Ислам университети ҳамда юртимизнинг бошқа олий ўқув юртилари билан Мир Араб олий мадрасаси ўртасида таълим соҳасида илмий-амалий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Яна бир эътиборга молик хабар, Ал-Азхар университетининг усулид дин фанлари докторлари, Шайх Аҳмад Ражаб Аҳмад Адавий ва Шайх Аҳмад Мухаммад Али ҳазратлари 2023 йилдан Олий мадрасада дарс бериш учун ишга қабул қилинди.

Ҳа, эгзу аъналар руҳи билан суғорилган мадраса, халқимизнинг диний-маърифий билим савиясини юксалтирадиган, турли хил ёт ғояларга қарши ўзининг зиёси билан қураша оладиган, ислом шариатининг етуқ билимдонларини тайёрлашда янгила куч ва ғайрат билан ўз фаолиятини давом эттирмоқда. Зеро, Президентимиз айтганидек, “Бундай узок тарихга эга таълим даргоҳлари жуда кам. Бугун унинг шароитини яхшилаб, тарихий адолатни тиклаганимиз хайрли иш бўлди, деб ўйлайман. Демократик ислоҳотларимиз эткижасида диний соҳага ҳам эркинлик эланиши кириб келди. Шу билан бирга, ахборот макони ҳам очик. Интернетда илмий асоси бўлмаган турли талқинлар ҳам бор. Лекин уларни тахрирбизис ўшлар қардан билади? Буни сизга ўшгаган илми кишилар, имом-хатибларимиз исботлаб, тўғри тушунтириб бериши керак”.

Гулиҷехра ДУРДИЕВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

МУЛОҲАЗА

Инсондаги фазилат ва ахлоқ-одоб мустаҳкам маънавий-маърифий маконда, заминда вужудга келади, юксалади. Аждодларимиз эришган барча ютуқлар ва зафарлар ана шу пойдеворга асосланган.

Президентимиз маърузаларидан биринчи таъкидлаганидек, “Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуг аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонман, худо ўрта Осие, Афғонистон, Эрон, Россия, Кавказ, Озарбайжон, Догистон каби давлатлар мусулмонлари ҳаётида ҳам муҳим ўрин эгаллаб келган.

Ҳа, янги Ўзбекистоннинг янги маънавий макони кўп миң йиллик тарихимиз, жаҳон цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг илмий, маданият ва маънавий мероси, ахлоқий-руҳий, ҳаётий тажрибаларига асосланади.

Хозир хориждан келган қайси бир сайёҳ билан суҳбатлашманг, кўхна Самарқанд шаҳрини дунё таниб, у халқлар анжуманлар ўтказиладиган маконга айлиб бораётганини эътироф этади. Шу боис, АКШнинг “The Huffington Post” нашри Самарқанд шаҳрини “Дунёнинг албатта, бориб қуриш керак бўлган 50 шаҳри” рўйхатига киритган.

Шу йил 1-2 ноябрь кунлари Франция Президенти Эммануэль Макроннинг мамлакатимизга ташрифи доирасидаги тадбирларни биз, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети талабалари ҳам катта қизиқиш билан кузатдик. Ташриф айнан Регистондан бошлангани бежиз эмас. Бу ерда халқларимиз ўртасидаги тарихий муштаракликини муҳассам

ДУНЁНИ АСРАШ ҚАЙҒУСИ

биз ёшларни ҳар лаҳза ҳушёр ва сергак бўлишга ундайди

этган жиҳатлар кўп. Хусусан, Соҳибқирон Амир Темур буюк саркарда, савдо ва илм-фан ҳомийси сифатида Осие ва Европада рўй берган тарихий ўзгаришларга катта таъсир қўрсатгани бизга ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиздан маълум. Парижда буюк саркарда Амир Темур шарафига “Европанинг халоскори” ёдгорлиги бунёд этилган. Амир Темур ва Франция қироли Карл VI бир-бирига мактублар юбориб, алоқа ўрнатган. Ёзишмаларда сиёсий масалалар билан бирга, савдо-иқтисодий алоқаларга ҳам катта эътибор қаратилган.

Олимларимиз таъкидлашчи, Амир Темурнинг тарихий хизмати яна шундан иборатки, унинг ҳаракатлари тудайли Осие ва Европа давлатлари тарихида биринчи марта ягона журофий-сиёсий маконда эканини ҳис этди.

Бугун Самарқандга ташриф буюраётган давлат раҳбарлари, жамоат арбоблари, халқаро экспертлар, академик доиралар ҳамда сайёҳлар бу кўтулғ заминнинг тарихий обидалари ва музейлари, нодир архитектура ансамбллари билан танишиб, батақрор тарихий мўъжиза олдиде таъзим қилаётгани бежиз эмас.



Хусусан, француз астрономи Жозеф-Николя Делил фаолияти давомида Мирзо Улугбекнинг асарларини ўрганган, “Зижи жадиди Қурагоний”ни лотин тилига таржима қилдириган. Делил 1739 йилда буюк боқалонимизнинг астрономия жадваллари ҳақида нутқ сўзлаган. Ушбу нутқ матни хозиргача сақланиб қолган. Бу каби маълумотлар икки халқ алоқаларининг тарихий илдизлари қанчалик теранлигини кўрсатади.

Шу боис, бутун дунёда Амир Темур шайхси ва теурийлар меросига қизиқиш катта. Жумладан, 1988 йилда Францияда Теурийлар тарихи ва маданиятини ўрга-

нувчилар уюшмаси тузилган. Унинг собик президенти, профессор Люсен Керен Амир Темур ва теурийлар даврини кўп йиллар давомида тадқиқ этгани, Франция ва Ўзбекистон халқлари яқинлашишига катта ҳисса қўшгани учун “Шухрат” медали билан тақдирланган.

1996 йилда ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида “Теурийлар даврида илм-фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши” кўргазмаси бўлиб ўтган. Утган йили давлатимиз раҳбарининг Францияга ташрифи доирасида Лувр музейида ташкил этилган “Ўзбекистон воҳаларининг мўъжизалари. Карвон йўллари чорраҳасида” кўргазмаси

катта воқеа бўлган эди. Унда теурийлар меросига алоҳида ўрин ажратилди.

1404 йилда Соҳибқирон Амир Темур саройига келган Кастилия (Испания) элчиси Руи Гонсалес де Клавихо йўл хотираларидан иборат “Кундалик”ларида бундай ёзади: “Теурийлар даврида фан ва санъатнинг гуллаб-яшнагани Европада уйғониш жараёнига ҳаётбахш таъсир этганини, умумжаҳон тараққиётига қўмақлашганини англаб фахрланамиз.

Самарқанд халқаро мулоқот ва ҳамкорлик марказига, муҳим сиёсий ва иқтисодий қарорлар қабул қилинадиган жойга айланди, амалий аҳамият тус олаётган самарали халқаро ҳамкорлик дунёда барқарор, ишончли ва фаровон тараққиётнинг муҳим омилли бўлиб қолди. Айнан шундай ёндашув замонамизнинг долзарб муаммоларини баҳамжиҳат ҳал этиш, янги хавф-хатар ва ижтимоий ларзалардан ҳимояланиш учун аниқ, мақбул ҳамда самарали йўлдири.

Демак, VI-VII аср аввал ҳам юртимиз жаҳон сиёсати ва дипломатиясида муҳим ўрин тутган. Қолаверса, иқлими ва табиати беаноҳир, тупроғи унумдор бу замин уша замоналарда ҳам хорижиликларни ўзига мафтун этган.

Амир Темур Испания қироли Гироли III, Франция ҳукмдори Карл VI, Англия қироли Генрих IV саройларига элчилар юбориб, мутаносиб равишда испаниялик, франциялик, англиялик, хитойлик ва бошқа қатор хорижий элчиларини ўз салтанатида қабул қилган.

Соҳибқироннинг Франция қироли Карл VI га ёзган хатидеги қуйидаги фикр диққатга сазовордир: “Сиз ўз савдогарларингизни менинг салтанатимга юборинг. Биз уларни

илиқ қарши олиб, иззат-иқом қўрсатамиз. Биз ҳам ўз савдогарларимизни сизнинг юртингизга йўллаймиз. Сиз ҳам уларга журмат қўрсатинг, ортиқча таъдиқлар қилинишига йўл қўйманг. Сизга бундан булак таълим йўқ. Зеро, дунё савдо аҳли ила обод бўлажак”.

Эътибор беринг, қандай оддий ва аниқ фикр: дунё савдо аҳли ила обод бўлажак! Демак, Амир Темур ташқи сиёсатида халқаро иқтисодий-савдо алоқаларини кенг миқёсда йўлга қўйиш, ундан барчани, авваламбор, ўзининг халқини баҳраманд этиш бош ғоя бўлиб хизмат қилган.

Бугун маърифатли Мовароуннаҳр руҳи, теурийлар даврида фан ва санъатнинг гуллаб-яшнагани Европада уйғониш жараёнига ҳаётбахш таъсир этганини, умумжаҳон тараққиётига қўмақлашганини англаб фахрланамиз.

Самарқанд халқаро мулоқот ва ҳамкорлик марказига, муҳим сиёсий ва иқтисодий қарорлар қабул қилинадиган жойга айланди, амалий аҳамият тус олаётган самарали халқаро ҳамкорлик дунёда барқарор, ишончли ва фаровон тараққиётнинг муҳим омилли бўлиб қолди. Айнан шундай ёндашув замонамизнинг долзарб муаммоларини баҳамжиҳат ҳал этиш, янги хавф-хатар ва ижтимоий ларзалардан ҳимояланиш учун аниқ, мақбул ҳамда самарали йўлдири.

Шаҳзода КАМОЛОВА, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети тарих факультети талабаси



ҒАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти ДМ

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариқмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташиқлот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул. Босмаҳона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма Ғ-1146. 43313 нусхадда босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Улугбек Асроров Мусахўж: Малоҳат Мингбоева Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилими: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА қуяни — 00:20 Топшириғди — 00:55